

Ҳар қандай мурожаат ортида инсон тақдири, унинг ҳаётига дахлдор муаммолар мужассам. Унинг қонуний ечимини топишга ҳаракат қилиш, бел боғланаётган савобли иш йўлида ваколат доирасида шарт-шароитлар яратиш лозим.

2
БЕТ

Қоплардаги картошканинг тагидан 90 дона турли ҳажмдаги ўрамлар топилиди. Маълум бўлишича, ўрамлар "героин" ҳамда "гашиш" гиёҳ-вандалик воситалари бўлиб, тортиб кўрилганда, уларнинг вазни 97 кг. 4820 граммни ташкил қилди.

9
БЕТ

Низоф

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 7-iyul, №27 (756)

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН,
МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Хива. Ичанқалъа

Қонунийликни таъминлаш йўлида

Ўтаётган кунлар мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига тобора яқинлаштирмоқда. Бу даврда асрларга татигулик ишлар амалга оширилганлигини бутун дунё тан олди. Иجتимоий-иқтисодий ислохотлар, аввало, элдошларимизнинг тинч, осойишта ва фаровон турмуш кечиришини таъминламоқда. Юртимиз кундан-кунга обод бўлмоқда. Албатта, бу каби юксалишлар замирида қонун устуворлиги, ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларини тартибга солаётган қонунлар яратилганлиги турибди. Ҳуқуқдорларнинг ҳуқуқий билимлари мустаҳкамланиб, ҳуқуқий маданият тушунчаси шаклланди. Эндиликда ҳар қандай муаммонинг фақат қонуний асосларда ҳал қилиниши таъминланмоқда. Бу жараёнда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижроси устидан назорат олиб боровчи прокуратура органларининг хизмати катта. Мухбиримизнинг Хоразм вилоят прокурори Бахтиёр ШОМИРЗАЕВ билан суҳбати вилоят прокуратура органлари томонидан истиқлол йилларида амалга оширилган ишлар, муҳим жабҳалардаги фаолият хусусида бўлди.

— Вилоятдаги қонунчилик ахволини таҳлил қилиш жараёнида қатор муваффақиятлар кўзга ташланади.

— Аввало, ушбу муваффақиятлар гарови мамлакатимизнинг мустақиллиги эканлигини қайд қилиш лозим. Истиқлол йиллари улкан юксалишлар даври бўлди. Мухтарам Юртбошимиз бошликда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ҳамма соҳаларда юксак муваффақиятларга эришилмоқда. Бунинг суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар мисолида ҳам қўриш мумкин. Хоразм вилоят прокуратура органлари томонидан ҳам ислохотлар самарадорлигини таъминлаш доимий назоратга олинган. Йилнинг ўтган даври мобайнида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқдорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида режада белгиланган вазифалар асосида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу вилоятда ижтимоий-иқтисодий ҳамда қишлоқчилик вазиётига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Вилоят иқтисодиёт тармоқларида ўсиш

суръатлари қузелтирди. Пул-кредит муносабатлари сезиларли даражада барқарорлашди. Пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида тўлиқ берилиши таъминланмоқда.

— Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини белгилловчи асосий тармоқлардан бири қишлоқ ҳўжалиги соҳаси саналади. Бу соҳа йилдан-йилга ривожланиб келмоқда. Хусусан, Хоразм вилоятида ҳам қишлоқ ҳўжалигининг таъминлашуви қузелтирилмоқда. Мухтарам Президентимиз "Хоразм деҳқонининг ҳар бир кунини қаҳрамонлик" дея шарафлаган деҳқонларимиз эъдиликда мамлакатимизда озиқ-овқат мўлллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Фермерларимизнинг саъй-ҳаракатлари, фидойи меҳнатлари маҳсулоти аҳолининг турмуш фаровонлиги ошаётганлиги мисолида кўриб турибмиз. Вилоят прокуратура идоралари томонидан ушбу етакчи тармоқ ривож, фаолиятда қонунийликни таъминлаш

борасида амалга оширилган ишлар хусусида тўхталишимиз.

— Дарҳақиқат, қишлоқ ҳўжалиги вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан саналади. Экин майдонлари фермерлар ихтиёрига тўла топширилгани ерга бўлган муносабатларни тубдан ўзгартирди. Фермерларимиз шартнома режаларини ошириб бажариб, барча қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларидан улкан ҳирмонлар уймоқда. Бу юрт ободлигига, турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда. Эндиликда фермерларимиз фақат маҳсулот ишлаб чиқариб қолмасдан, уни қайта ишлаш, қишлоққа саноатини олиб киришга ҳаракат қилмоқдалар. Фермерларимиз хизмати эвазига қишлоқлар инфратузилмалари ўзгармоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Республика Президентининг "2011 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Вилоятда 2011 йил ҳосили учун 93800 гектарга чипит экилди. Ушбу майдонларда ғўзалар турли босқичларда ривожланмоқда. Аммо, бу ҳолат ҳамма майдонларда ҳам қониқарли деб бўлмади. Айрим фермерларнинг эътиборсизлиги баъзи ноҳус ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Вилоятда 242 та фермер ҳўжаликларининг 12,061 гектар майдонидан ғўза ривожланишдан орқада қолганлиги аниқланди. Бунинг сабаби ўрганилганда, баъзи майдонларда янгалаш сифатсиз ўтказилганлиги, баъзи майдонларда эса умуман ўтказилмаганлиги, бегона ўтлардан тозаланмаганлиги, суспензия сепилмаганлиги маълум бўлди.

[Давоми 4-бетда/]

Назорат

Мамлакатимизда бозор ва савдо муассасаларининг аҳолига кўрсатаётган сифатли хизматлари, шўбасиз, олиб борилаётган илҳом ислохотларнинг самарасидир.

Фаолият самарадорлиги

Бугун бозор ва савдо жойларида турли хил қонунбузилишларнинг олдини олиш, аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли бора-тадбирлар кўриб бориш Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси ҳамда унинг қўйи тизимлари ваколатларига киририлган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1257-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 98-сонли қарорлари қабул қилинган. Бош прокуратура томонидан ана шу қарорлар ижроси юзасидан Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси ҳамда унинг қўйи тизимлари таҳлил қилинганда қўллаб қамчиликлар аниқланди.

Маълум бўлишича, мазкур Бош бошқарма томонидан бу борада 2010 йил ва 2011 йилнинг 1-чорагида муайян ишлар амалга оширилган. Лекин таҳлиллар идоравий назорат лозим даражада йўлга қўйилмаганлиги боис, назорат тадбирларини амалга ошириш борасидаги ишлар барча ҳудудий бўлиmlарда бир хилда ташкил этилмаганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2010 йилда Андижон, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатиш билан боғлиқ 400-600дан ортиқ ҳолатлар аниқланган бир вақтда, Навоий вилоятида атиги 9 та шундай ҳолат аниқланган, холос. Жорий йилнинг 1-чорагида нақд пулни банкка топширмаслик билан боғлиқ қонунбузарликларнинг Сурхондарёда атиги 4 та, Хоразмда эса 2 та аниқланганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бундан ташқари, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳамда давлат рўйхатидан ўтмаган шахсларга савдо ўринлари бериш билан боғлиқ қонунбузарликларни аниқлаш борасидаги ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда эканлиги маълум бўлди.

Ажабланарли жиҳатлардан яна бири шундаки, 2010 йилда Жиззах, Наманган ва Андижон вилоятларидан ташқари, бирорта ҳудудда рўйхатдан ўтмаган шахсларга савдо ўринлари бериш ҳолатлари аниқланмаган. Жорий йилнинг 1-чорагида салохияти юқори ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент, Фарғона вилоятларида терминалдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ атиги 5 тадан ҳолат аниқланган.

Шунингдек, Бош бошқарманинг асосий вазифаларидан ҳисобланган бозорларга туташ автомобиль тўхташ жойларида қонунбузилишларни аниқлаш борасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермаслиги аён бўлди. Жумладан, 2010 йилда Қашқадарё ва Навоий вилоятларида, 2011 йилнинг 1-чорагида эса Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида автомобиль тўхташ жойлари фаолияти умуман текширилмаганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Ташкилот тегишривларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорлиқни таъминлаш мақсадида давлат санитария-эпидемиология ва ветеринария назорати хизматлари ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан қўшма тартиблар ишлаб чиққан бўлса-да, ушбу органлар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги ғувоҳ бўлди. Масалан, 2010 йилда Бош бошқарманинг Бухоро, Тошкент вилояти ҳудудий бўлиmlари томонидан ички ишлар органлари билан, Андижон, Сирдарё вилоят бўлиmlари томонидан давлат санитария-эпидемиология идоралари билан, Андижон, Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоят бўлиmlаридан ташқари бирорта бўлиml томонидан ветеринария идоралари билан ҳамкорликда текшириш ўтказилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги 1326-сонли қарорига мувофиқ, 2010 йилнинг 1 июнига қадар республикадаги бозорлар ва савдо комплексларида жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида мажбурий ўрнатилиши лозим бўлган 33040 та тўлов терминалларининг 25718 таси ёки 77,8 фоизи, 33040 та назорат касса машиналарининг 3635 таси ёки 11 фоизи ҳамда автотураргоҳларда 134 та электрон ҳисоблагичларнинг 91 таси ёки 68 фоизи ҳанузгача ўрнатилмаган.

[Давоми 6-бетда/]

Фуқароларнинг муурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, кўриб чиқиш муурожаатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарорлар қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини сўраб ёзган муурожаати муносабати билан қабул қилинган қарор ижросининг бажарилмаслиги ҳамма даврда ҳам қўлаб шикоят-аризаларнинг ёзилишига сабаб бўлган. Афсуски, бугунги кунда ҳам муурожаатнинг юқоридаги турларининг кўпайишига ҳам аксарият юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар сабаб бўлиб турибди.

Муурожаатлар эътиборда

Миршод БОБОЕВ,

Бош прокуратура бўлими прокурори

Ана шундай вазиятларда фуқаро ўз ҳуқуқининг тикланишини ёхуд юзага келган тушунмовчилик оқибатида содир бўлган муаммоларнинг қонуний ҳал этилишини сўраб, прокуратура органларига муурожаат қилишга ҳаракат қилади. Бу эса бежизга эмас, айбатта. "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун ҳужжатларида ҳам айтиб ўтилганидек, қонунийликни таъминлаш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш чораларини кўриш, қонун-бузилишларини бартараф этишдек вазифани прокуратура ўз зиммасига олар экан, муурожаатнинг атрофлича кўриб чиқилишининг таъминланиши эса ариза ва шикоят ёзилишига сабаб бўлган муаммоларнинг қонуний ечимини топишда муҳим омил саналади.

Республика Бош прокуратурасига миннатдорчилик билдириб ёзилган хатлар кўлаб келиб турибди. Уларда асосан муурожаатларнинг Бош прокуратура томонидан ўз вақтида ва атрофлича кўриб чиқилганлиги ҳамда муаммоларнинг қонуний ҳал этилганлигидан мамнуликлари билдирилган. Бунга Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳар, "Сармазор" маҳалласида яшовчи фуқаро И.Караматов ҳамда А.Караматовалар, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидан Ф.Ахмедов, Андижон вилояти Улғунор туманидан А.Джахангиров, Наманган вилояти Поп туманидан А.Қодиоров, Тошкент шаҳар Чўптепа туманидан Н.Ахмедова, Хоразм вилояти Бобот туманидан И. Сетмуратов ва бошқа қўлаб фуқароларимизнинг миннатдорлик билдирилган мактубларини мисол қилишимиз мумкин.

Муурожаатлар келиб чиқиши жиҳатидан турли манзилларни кўрсатса-да, шикоят ёхуд ариза қилинаётган ҳолатлар аксари бир хил мазмунли ифода этилиши кўришимиз мумкин. Масалан, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани "Қизилча" жамоа ширкат ҳўжалигида яшовчи бир ғуруҳ фуқаролар жамоа мулкни талон-торож қилиб, ўзлаштириб келаётган ҳўжалик раиси устидан шикоят қилишган бўлса, Тошкент шаҳридан фуқаро Н.Ахмедова Юнусобод туманидаги 560-сонли реабилитация маркази раҳбари Ф.Хусанова ҳамда унинг марказдаги айрим ҳамтовқларни содир этган талон-торожчиликлар ҳақида шикоят қилган. Шикоятлар асосида олиб борилган текширишда ҳар иккала масъул шахснинг ҳам давлат ва жамоа мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги ҳолати ўз тасдиғини топган. Фуқароларимиз мана шундай жиноятларни содир этаётган айрим раҳбарларнинг ўз мансабларини суистеъмол қилиши ва кирдиқларнинг фош этилишида жонбозлик қилган прокуратура ходимларига ўз миннатдорчиликларини билдириб келишмоқда.

Бу йил Президентимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланди. Табиийки, йил муносабати билан кўлаб фуқароларимиз ўзларининг тадбиркорлик лаёқатларини синаб кўришга, тўғрисида, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ўз фаолиятларини бошлашга ҳаракат қилишмоқда. Аммо, бу йилда ҳаракатнинг ўзи етарли бўлмагани каби, турли тўсиқлар-у муаммоларга ҳам дуч келинади. Айниқса, бундай муаммолар масъул шахслар томонидан сансалорлиг-у эътиборсизлик оқибатида келиб чиқадиган бўлса, аризабозлик ва оворатарчиликларга сабаб бўлиб қолаверади.

"...Ўзим истиқомат қилиб келаётган Поп тумани "Сирдарё" массивидаги туман ер захирасида бўлган 162-контурдан "Исоқхона ва ёрдамчи бинолар қуриш учун" ер майдони сўраб туман ҳокимиятига ариза билан муурожаат қилдим, — деб ёзади Поп тумани Санг қишлоғи "Темир йўл усти" МФЙда яшовчи фуқаро А.Қодиоров. — Муурожаатим туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига чиқарилди. Дастлабки даврни ҳисобга олмаса, идоранинг айрим ходимлари турли асоссиз баҳоналарни рўқач қилиб, ер майдонини расмийлаштириш ишларини ортга сура бошлашди. Шу сабабли бир неча бор қайтадан муурожаат қилишимга тўғри келди. Охири бирор натижа чиқишга қўзим етмай, ишончим сўна бошлади. Шундай кунларда туманимиздаги "Санъат саройи"да туман прокуратураси (прокурор И.Солиев) ходимларининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да ўз фаолиятларини бошламоқчи бўлиб юрган тадбиркорлар билан оқил мулоқот бўлишини эшитиб, унда иштирок этдим. Шу кунёқ туман прокуратурасига бордим. У ерда туман прокурори И.Солиев қабулда бўлдим ва у кишининг беминнат маслаҳатлари ва тушунтиришлари билан сўнаётган иштиёқим қайтадан жонланди.

Мана бугун фаолиятимга тўсиқлини қилган айрим муаммолар ортда қолиб, ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари тугалланди. Туман ҳокимининг ер ажратиш ва уни расмийлаштириш тўғрисидаги қарори чиқарилди.

Чексиз қувончимга, мен ва мен каби иш бошловчи тадбиркорларга ўзларининг беминнат ёрдамларини азиям, тушунтиришлар бериб келаётган прокуратура ходимларининг ўз ишларига ҳолисона ва қонуний ёндашувлари сабаб деб биламан, — дея ўз миннатдорчилигини билдиради фуқаро А.Қодиоров.

Қилинаётган ҳар қандай муурожаат ортида инсон тақдири, унинг ҳаётига дахлдор муаммолар мўжассам. Бунга бефарқ бўлиш эмас, балки унинг қонуний ечимини топишга ҳаракат қилиш, бел боғланаётган савобли иш йўлида ваколат доирасида шарт-шароитлар яратиш лозим.

Жамиятимизда маҳалланинг ўрни беқиёс. Халқимиз ҳар қандай масалала маҳаллага суянади. Тўй-маърака бўладими ё бошқа тадбирми, маҳалла оқсоқоли ва фаолларига муурожаат этилади. Бу ерда бўлаётган ҳар қандай тадбир, ўзгариш, янгиланларга ҳам лозимо оқсоқоллар бош-қош бўгани сабабли, улар халқнинг эътибори ҳамда эътирофига сазовор бўлишди. Бироқ, ғуруҳ курмасиз бўлмаганидек, оқсоқоллар ва уларнинг ёрдамчиларининг ҳаммаси ҳам халқ меҳри ва ҳурматига сазовор бўлавермас экан.

Пастдарғом туман "Бешқаҳрамон" ҚФЙнинг масъул котиби Камол Мирзаевнинг олдида Фахриддин Маҳкамов маълумотнома сўраб келганда, котиб аввалига бироз тихирлик қилиб турди-да, сўнгра бу ишни "эплаши"ни шаъма қилди: — Майли, ёзиб бераман. Лекин хизмат ҳақи 100 минг сўм бўлади. — Нега, нима учун? Бунча қиммат? — Итсангиз шу, бўлмаса, ўзингиз биласиз...

Ф.Маҳкамов кўп ўйлаб ўтирмай, рози бўлди. К.Мирзаев керакли ҳужжатларни олиб қилиб, жума куни келишни тайинлади. Келишилган кун Фахриддин 100 минг эмас, 80 минг сўм келтириб берди. Айтилган ҳақнинг "чўғи" кам бўлсам, котиб пулни олиб, сейфга ташлади-да, "биров сўраса, 5 минг сўм бердим, деб айтинг" дея тайинлаган бўлди. Фахриддин бош иргаб маъқуллади. Шу пайт

Кулфат дояси

Қолир Қоракўл тери йилғиб сотиш туридаги якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шўғулланиб юргани учун чекка туманларга ҳам таниш-билишлар ортирган эми. Шулардан бири ғижувонлик Файрат бўлиб, у билан ошна-оғайнингарчилиги ортда қабҳиш ишларга қўшилиб қолганини ўзи ҳам билмай қолди. Унинг бойниққа майли тушди. Чиркинлик билан бўлса-да, бировларга кулфат келтирса-да, бойниққа эришишни мақсад қилди. Шу боис ҳам бойлик майли — бу чиркинлик ва кулфат доясиранг, дея бежиз айтишмас экан.

Шундай қилиб, эл қатори ўтиб турган тирикчилиги-га қаноат қилмаган Қодир энг тубан йўлни танлади: ғиёҳвандлик воситаларни савдоси билан шўғулланадиган бўлди. Олдида тез-тез шўбақли кимсалар келиб-кетадиган бўлишди. "Қўза кунда эмас, кунда синади" деганларидек, 2010 йилнинг 26 декабрь кунининг кирдиқларига чек қўйилди.

Файрат Орзиевга учрашиб, каттароқ партияда "опий" ги-

Обид ҚИЛИЧОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Жондор туман бўлими бошлиғи

ёҳвандлик воситаси сўраган Қодир унга 2 минг АҚШ доллари қолдириб кетди. Файрат уч кунга қолмай, салкам 1 кг.га яқин "товар"ни Қодирнинг уйига келтириб берди. Қодир бу "хизмат учун" Файратга яна 400 АҚШ доллари тўлади. Қилаётган ишининг хавфли эканлигини билгани учун

Тамагирлар

Аслиддин МУРОДОВ,

Самарқанд вилоят прокуратураси АМИБ терговчиси

хонага кириб келган ҚФЙ раиси А.Каримов ундан нима қилаётганини сўради.

— Маълумотнома ёзиб бераяман, — деди котиб бамаллихотир...

Фахриддин Маҳкамов ўша кезларда икки ёшга бўлган боласига нафақа ёзиб беришини сўраб "Ошиқ ота" МФЙ раиси Искандар Сатторовга ҳам бир неча бор муурожаат қилган эди. Буни қарангки, маҳалла раисининг "дарди" ҳам худди котибники каби экан. У ҳам Фахриддиндан хизмати учун 100 минг сўм сўради. Факат муурожаат этувчи бу ҳолатни бошқача тушунмаслиги учун, қилмишини хаспўшлашга киришди:

— Бу пулларни "Ошиқ ота" зиёратгоҳини ободонлаштириш учун сарфлаймиз...

ҚФЙ ҳамда МФЙ раҳбарларидан осонликча маълумотнома ололмаслигига қўзи етган Ф.Маҳкамов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга муурожаат қилди. Оқибатда, оқсоқол ва котиб жиноят устида қўлга олинди, ҳам маҳалладошлари олдида изза бўлдилар, ҳам тегишли жазога тортилдилар. Суд томонидан Камол Мирзаев 6 йилга, Искандар Сатторов эса 7 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Қодир ўзи билан яхши муносабатда бўлган қўшини Э.Саидовдан "омонат"ни уйда сақлаб туришини сўраб, унга берди. Шу кунёқ ИИБ ва МХХ ходимлари томонидан ушбу ҳолат аниқланди, Қодир Шодиев қўлга олинди.

Шодиевнинг уйи қўздан кечирилганда, бир ярим литр ҳажмли 1087 дона елим идишларга қадокланган чет элда ишлаб чиқарилган 1630,5 литр микдордаги этил спиртини қонунга хилоф равишда қайта сотиб, муомалага қилириб, фойда олиш мақсадида сақлаб келаётгани ҳам аниқланди.

Суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига биноан Қодир Шодиевни 13 йил, Файрат Орзиевни эса 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Ашвейй далил сифатида эътироф этилган 872,21 грамм "опий" ғиёҳвандлик воситаси ҳамда 1630,5 литр этил спирти йўқ қилинди.

Директорга аталган «дори»

Илҳом ЧИНКУЛОВ,

Навоий вилоят прокуратураси катта терговчиси

Масъул мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеида фойдаланиб вазифасини бажариши лозим бўлган ҳолда пора талаб қилиши жиноятдан бошқа нарса эмас. Бундай салбий ҳолатнинг жиноят эканлигини "O'zbekekspertiza" ОАЖнинг "Navoiyekspertiza" шўба корхонаси директори лавозимига ишлаган Рашид Нурмухаммедов жуаа яхши биларди. Аммо нафс балосига учраганини уни шу қўйга солиди.

Р.Нурмухаммедовга Зарафшон шаҳридаги "Zarafshon-invest" МЧЖ бош ҳисобчиси М.Уроқов 2010 йил 4 октябрь кунининг ариза билан муурожаат қилди. Аризада МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган икки вагон оҳакни экспорт қилиш учун унинг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи, махсулотнинг келиб чиқиш сертификатини бериш сўралган эди.

Гарчи, директорнинг хизмат вазифасига бюрutmачи бўлган, юқорида қайд этилган МЧЖ билан хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома имзоланиб, шунга асосан бюрutmачи талаб қилган хизматларни бажариш, хусусан, махсулотларнинг келиб чиқиш сертификатини қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда тайёрлаб бериб, муайян микдордаги белгиланган хизмат ҳақини корхона ҳисоби рақамига олиш кирса-да, амалда ундай бўлмади. У экспорт қилинаётган ҳар бир вагон оҳак учун 50 АҚШ доллари, жами 100 АҚШ долларини пора тариқасида беришни тамагирлик йўли билан талаб қилди. Акс ҳолда сертификат бермасдан, махсулот экспортини тўхтатиб қўйишини айтди.

МЧЖ бош ҳисобчиси М.Уроқов шу кунининг 100 АҚШ долларини "тетрациклин" таблеткаси қутиси ичига солиб, Р.Нурмухаммедовга унинг хизмат хонасига беради.

Орадан кўп ўтмай М.Уроқов икки вагон оҳак махсулотини экспорт қилиш учун зарур бўлган махсулотнинг келиб чиқиш сертификатини беришни сўраб, яна директорга муурожаат қилди. Директор бўлса, бу сафар ҳам ҳар бир вагон оҳак учун 100 АҚШ доллари, жами 200 АҚШ доллари беришни, акс ҳолда сертификат бермасдан махсулот экспортини тўхтатиб қўйишини айтиб, пора талаб қилди.

Шу кунини Р.Нурмухаммедов ўз хизмат хонасига М.Уроқовдан 200 АҚШ долларини олаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланди.

Жиноятга жазонинг муқаррарлиги аниқ. Жиноят устида ушланган Р.Нурмухаммедов жиноий қилмиши учун суд олдида жавоб берди. Унинг айби судда ўз исботини топди.

Суд судланувчи Р.Нурмухаммедовга нисбатан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг тараққиёт истиқболлари

Мустақил Ўзбекистонда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида изчил ва тизимли қадамлар қўйилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида ва у тақлиф этган Концепция асосида ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этишнинг "Ўзбек модели" ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда. Бунинг натижаси ўларок, "жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустақкам ўрнига эга бўлган — Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат барпо этилди. Бугун ана шу мустақкам пойдевор асосида мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври... изчил давом этмоқда".¹

Барчамизнинг бу йўлдаги бош орзу-миз ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришдир. Маълумки, бундай жамиятнинг асосий мақсади — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишининг узлуқсиз механизминини яратушга қаратилган. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳам айнан шу мақсадлар учун йўналтирилган. Албатта, мана шундай эзгу ниятлар сари етакловчи қонун ҳужжатларига риоя қилиш, уларнинг ижросини аниқ ва бир хилда таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Табиийки, қонун устуворлигини таъминламай туриб, қўзланган мақсадларга эришиш мушкул масала. Мазкур вазифаларни бажариш эса, авваламбор, прокуратура органлари зиммасига юклатилган. "Негаки, прокуратура қонунини, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислохотларни ўтказишда, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутди".²

Мана, қарийб йигирма йилдирки, прокуратура органлари томонидан ушбу вазифалар муваффақиятли бажариб келинмоқда. Бу даврда прокуратура органлари фаолиятининг нафақат услуб ва қўриқчилари кескин ўзгарди, балки унинг ҳуқуқий асослари ҳам суверен ўзбек давлати манфаатларига мос равишда яратилди ва замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантирилди.

Чунончи, "Демократлаштириш жараёнлари прокуратура фаолиятини ҳам жиддий ислоҳ қилишни тақозо этди. Прокуратура органлари фаолиятини белгилловчи ҳуқуқий асослар тақомиллаштирилди. Прокуратуранинг ҳуқуқий ҳимоялаш ва қолатлари кучайтирилишига устувор аҳамият берилди. Натижада "қораловчилик" вазифаларини бажариб келган прокуратура органлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояси сиёсатида эътироф этилди".³

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида суд-ҳуқуқ ислохотларини тадрижий, тизимли ва изчил давом эттириш давр талабидир. Бу борадаги устувор вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"

номли маърузасида кўрсатиб берилган.

Фикримизча, унга мувофиқ прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомининг истиқболдаги ривожининг қуйидаги асосий тамойиллари белгилаб берилган:

Биринчидан, прокуратура фаолиятига оид ҳуқуқий ислохотлар судлар фаолиятини ислоҳ қилиш билан чамбарчас боғланган ҳолда давом эттирилади. Бу ислохотлар, биринчи навбатда, аслида судлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган, аммо ўтиш даврининг маълум объектив сабабларига кўра прокуратура органлари томонидан бажариб келинаётган қатор функцияларни судлар зиммасига юклатиш билан боғлиқдир. Маълумки, кейинги пайтда бу борада жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Булар орасида қамоққа олишга санкция бериш ва амнистия актини қўллаш ҳуқуқининг судларга берилиши бу соҳада қўйилган муҳим демократик қадамлар сирасига қиради.

Ушбу концептуал ҳужжатда суд-ҳуқуқ ислохотларининг навбатдаги босқичида амалга оширилиши мўлжалланган асосий йўналишлар белгилаб берилди. Унга мувофиқ, судга бўлган жараёнларда лавозимдан четлаштириш ва шахснинг тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини ҳам фақат судларнинг розилиги билан амалга ошириш, айблов ҳулосаларини ўқиб эшитириш вазифаси прокурорларнинг зиммасига қатъий юклатилиши ҳамда судлар томонидан жиноят иши қўзғатиш амалиётига барҳам берилишини назарда тутувчи процессуал нормаларни ўрнатиш тақлиф этилган. Шак-шубҳасиз, бундай ўзгаришлар суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва беғаразчилигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга, асосийда, суд жараёнининг одил судловни амалга ошириш тамойилларига мос бўлишига хизмат қилади.

Иккинчидан, прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий тақомиллашуви бошқа қонунчилик асосларини қайта кўриб чиқиш ва яратиш билан бирга амалга оширилади. Чунончи, Концепцияда қатор қонун ҳужжатлари билан бир қаторда, жумладан, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруриятлари ҳам асослантириб берилган.

Маълумки, ҳозирги кунда тегишли қонунлар мавжуд

З.ИБРАГИМОВ,
юридик фанлар номзоди

эмаслиги сабабли, Ички ишлар вазирлиги тизимида тезкор-қидирув фаолият муайян идоравий бўйруқлар ва йўриқномалар асосида олиб борилади. Шунинг учун ҳам ушбу соҳа устидан прокурор назорати фаолиятида прокурорлар аслида ички ишлар вазирининг ушбу йўналишдаги тартибни белгилловчи махсус идоравий ҳужжатлари ижросини текширадilar. Худди шу ҳолатни ички ишлар идораларининг ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик профилактикасига оид фаолияти устидан прокурор назорати мисолида ҳам кузатиш мумкин. Бу билан эса ушбу тоифадаги прокурорлик текширувлари ўз моҳиятига кўра идоравий назорат даражасига тушиб қолади.

Шу нуктага назардан қараганда, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши тақлиф этилишининг асосий мақсади, тезкор-қидирув ҳусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилганлиги билан бир вақтда, бу соҳадаги прокурор назоратини унинг конституциявий моҳиятига мослаштиришга ҳам хизмат қилади.

Учинчидан, прокуратура органларининг иш фаолияти устидан самарали, биринчи галда, жамоатчилик томонидан назорат ўрнатилишини таъминловчи механизмни яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, прокуратура фаолиятида ошкораликни таъминлаш орқали кенг халқ-оммасини жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш жараёнига жалб қилишга йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эга.

Аммо давр бу фаолиятни янада жадаллаштириш ҳамда уни янги услуб ва қўриқчиларда олиб борилишини тақозо этмоқда.

Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари томонидан "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинишининг тақлиф этилиши алоҳида аҳамият ва ўта долзарблик касб этади. Мазкур қонунда жамоатчилик назоратининг турли, шакллари ва субъектларини, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб қўйиш заруриги ҳақидаги тавсиялар замирида барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, прокуратура органлари томонидан ҳам қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият ва фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали механизминини яратиш моҳияти ётибди.

[Давоми 7-бетда]

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАХАТХОНА

Аниқ миқдори борми?

Мен ўтган йили юк ташувчи лавозимига ишга кирган эдим. Дастлаб ойлигим яхши тўлаб келинаётган эди. Лекин кейинги пайтларда қанча ойлик олишимни ҳам билмай қолдим. Ойлик тўловининг аниқ миқдори борми?

Камол Гаиров, Бўғдод тумани

Меҳнат кодексининг 153-моддасига мувофиқ, меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади ва бунда унинг минимал миқдори энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас. Унинг энг кўп миқдори эса бирон-бир тарзда чекланмайди.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жаммо шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаб уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вақиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатлар (шартлар жадвали, Низом)да белгиланади.

Табиий-ақлим ва турмуш шартлари ноқулай бўлган жойларда меҳнат ҳақига район коэффицентлари ва устамалар белгиланади.

Ё пенсия ёки иш ҳақи...

Биз олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчиларининг аксарият қисми пенсияга чиққан ҳола ишлаб келаётган эдик. Аммо яқинда биз билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш олдик. Ишдан кетишга қарши эмасмиз. Лекин эшитишмишизча, пенсияга чиққанларни ишлатиш ректорга боғлиқ экан. Шу тўғрими? Бундан ташқари, агар пенсионер ишлайган бўлса, пенсиясини ололмас экан. Шу тўғрими?

Каримжон Шоимов, Тошкент шаҳри

Меҳнат кодексининг 100-моддасига қиритилган янги 7-банд талабига мувофиқ, яъни ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкинлиги белгиланди. Яъни мазкур норма иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш борасидаги ваколатлари ва асослари доирасини кенгайтди. Агар иш берувчи лозим топса ва ушбу ходимни ўзи учун керакли деб ҳисобласа уни ишлатиши мумкин.

Ишловчи пенсионернинг пенсиясини олиш масаласига тўхта-ладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрда қўйилган "Ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлаш тўғрисида"ги 1289-сонли Фармони ҳали амалда. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишловчи қуйидаги пенсионерларга қуйидаги миқдорда пенсиялар тўланади:

— Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронларига (уларга тенглаштирилган шахсларга), I-II гуруҳ ногиронлари ва Чернобил фалокатидан талофот қурган шахсларга тўлиқ миқдорда; — қолган тоифадаги ишловчи пенсионерларга пенсия эллик фоиз миқдорда.

Қилмишининг оқибати

Бир инсон бошқасини ҳамманинг олдида ҳақорат қилса, бундай шахсга жавобгарлик борми?

Зокир Уктамов, Жомбой тумани

Бор албатта. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддасида ҳақорат учун жавобгарлик чораси белгиланган бўлиб, унга кўра, ҳақорат қилиш, яъни шахсининг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш, энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан кўра бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, ўзининг шаънига ҳақоратловчи маълумотлар айтилган фуқаро, етарли асослар бўлган тақдирда, ҳақорат ёки тўхмат қилгани учун Жиноят кодексининг 139, 140-моддалари ёки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40, 41-моддаларига кўра айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатишни сўраб судга мурожаат қилиши мумкин.

Фарзанд тақдири

Менинг бир танишим бир одам билан никоҳдан ўтиб яшаб келаётган эди. Фарзанди бўлиш арафасида туршибди. Лекин у оламининг расман никоҳдан ўтган оиласи борлиги ва у никоҳ бекор қилинмаганлиги учун бу никоҳлари бекор қилинмаган бўлиб турибди. Айтгинчи, бола туғилмаган бўлса у норасмий туғилган ҳисобланадими?

Камола Шарипова, Жиззах шаҳри

Оила кодексининг 60-моддасида боланинг насл-насабини белгилаш асослари қайд этилган бўлиб, унда айтилишича, аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туғилган никоҳ туғилгандан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ туғилгандан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эри унинг ота-онаси боланинг насл-насаби ҳусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди



Қонунийликни таъминлаш йўлида

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Мазкур ҳолат юзасидан кишлоқ ҳўжалиги ишлари боришини тўғри ташкил қилмаган ва ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаган Ҳазорасп, Шовот, Янгигарик, Янгибозор туманлари, Питнак шаҳар ҳўкимларига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Шу билан бирга, "Урганч-нефтьбазаси" унитар корхонаси, вилоят "Кишлоқхўжалиқ-кимё" ҲАЖ, МТЛлар бирлашмаси, Марказий банк вилоят бошқармаси раҳбарлари гўза майдонларида ўз вақтида ва сифатли агротехника тадбирлари ўтказилишини ташкил қилишда, гўза майдонлари ривожланишда орқада қолган 242 та фермер хўжалиқ раҳбарлари эса қўшимча агротехника тадбирларини ўтказишда қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди.

Ҳозирда ушбу фермер хўжалиқларида агротехника тадбирлар ўтказилиши юзасидан ҳудудий прокурорлар томонидан алоҳида назорат тадбирлари ташкил этилиб, қолоқ майдонларга ишлов бериш юзасидан қўшимча мониторинглар ўтказиб боришмоқда.

Гўза парвариши бўйича ўтказилган назорат тадбирларида, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида тегишли ҳўкимлик ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари номига 44 та тақдирнома киритилди, қонунга зид қарорларни бекор қилиш тўғрисида 6 та протест келтирилди. Масъул ва мансабдор шахсларнинг 65 нафари интизомий, 59 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган, қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳусусида 626 нафар мансабдор шахслар огоҳлантирилди.

Албатта, қўтилган пахта ҳосилини йиғиштириб олишда гўза майдонларини озиқлантиришнинг аҳамияти катта. Аммо айрим фермерларимиз минерал ўғитларни ўз вақтида гўза майдонларига чиқармаганили ҳам аниқланмоқда. Бундай ҳолатга Урганч тумани "Галаба" кишлоғида жойлашган "Азим Хазиначи" фермер хўжалиғида йўл қўйилган. Фермер 16 тонна турли минерал ўғитларни гўза майдонларига чиқармасдан хўжалиқ дала шийпонидида сақлаб қолганили маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан фермер ва алоқадор мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилди.

Сув танқислиги муаммоси ҳеч кимга сир эмас. Прокуратура идоралари томонидан бу

муаммони бартараф қилишга қўмаклашиш, сувдан оқилона фойдаланишни назорат қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Баъзи бир ўзидан ўзгани ўйламайдиган, эл-юрт ташвишларини ўз ташвиши деб билмайдиган кимсалар мўмай даромадни деб сув танқислигига қарамасдан шўли экишдан тап торлмаганили аниқланди. Маълум бўлишича, вилоятда 244 та фермер хўжалиқлари томонидан 617,9 гектар майдонга ўзбошимчилик билан шўли экилган. Ушбу майдонларга сув беришни тўхтатиш билан бирга, фермерларга ҳамда бу ҳолатга совуққонлик билан қараган мутасаддиларга жазо чоралари қўрилди.

Ер — бойлигимиз. Уни асраб-авайлаш ҳамда ундан самарали фойдаланиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Афсуски, айрим фермерлар ердан фойдаланишда ўз манфаатларини қўлаб қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйишмоқда. Хонқа тумани "Сарапоён" кишлоғида яшовчи Р.Худайбергенов ўзи раҳбарлик қилиб келаётган "Севинчий Барчиной" фермер хўжалигининг 0,07 га экин майдонига ўзбошимчилик билан қўрилиш ишларини бошлаганили учун муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлсада, бундан ўзига тегишли ҳўлоса чиқармасдан, қўрилиш ишларини давом эттирган. Ушбу ҳолат юзасидан Р.Худайбергеновга нисбатан ЖКнинг 229¹-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган. Тергов ҳаракатлари натижасига кўра иш айблов ҳўлоси билан судга юборилган. Судда Р.Худайбергеновга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Шу каби ердан хўжасизларча фойдаланиш ва ўзбошимчилик билан ер майдонларини эгаллаш ҳолатлари Шовот ва Янгигарик туманларида ҳам аниқланиб, айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинган.

Шунингдек, ерлардан мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонларининг муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, кишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан доимий прокурорлик назорати ўрнатилган.

Умуман, кишлоқ хўжалиғида ерни сифатли шудгорлашдан тортиб, экинни агротехника тадбирлари асосида парваришлаш, минерал ўғит, ёқилги маҳсулотлари ва техника билан таъминлаш ҳамда ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишга ҳамда бўлган жараён доимий проку-

ратор назоратига олинган.

— Ёшлар — келажагимиз. Истиклолнинг илк даврида-ноқ ёш авлод тарбияси масаласига жиддий эътибор қаратила бошланди. Ҳозир ҳам ёшларнинг таълим-тарбияси, ижтимоий ҳимояси, умуман, қомил инсонлар бўлиб вояга етишларига бўлган эътибор сўсаймаган, аксинча, бу мақсаддаги ҳаракатлар янада фаоллашган.

— Буни муҳтарам Президентимизнинг, ҳўкуматимизнинг юрт эртасига ғамхўрлиги сифатида баҳолаш мумкин.

Аҳолининг қирқ фоиздан зиёдрогини вояга етмаганлар ташкил этадиган Хоразм вилоятида прокуратура идоралари томонидан ёшларнинг қомил инсонлар бўлиб етишишлари учун алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Вояга етмаганлар ҳўкуқи ва ижтимоий ҳимоясини таъминлашга оид амалдаги қонунлар, Президент Фармонлари, ҳўкумат қарорлари ҳамда Республика Бош прокурорининг соҳавий буйруғи ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан асосий эътибор вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини таъминлашда ўсмирлар ўртасида ҳўкуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг таълим-тарбияси, соғлиғи ҳамда меҳнат муҳофазасига оид қонунлар ижроси, меҳрибонлик уйлари ва маҳсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларининг ижтимоий муҳофазаси, қўйи қомиссиялар ишини тўғри ташкил қилиш, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатишга қаратилмоқда.

Вояга етмаганларнинг 25,3 минг нафари 250 та мактаб-гача таълим муассасаларида, 265925 нафари 532 та умумтаълим мактабларида, 86898 нафари 85 та касб-хўнар коллежларида, 5448 нафари 6 та академик лицейларда таълим-тарбия олмақдалар. Уларнинг муносиб билим олишлари, касб-хўнар эгаллашлари учун истиқлол йилларида улкан имкониятлар яратилганига барчамиз гувоҳимиз. Вилоят прокуратураси томонидан ушбу шарт-шароитлардан қандай фойдаланилаётганили доимий назорат қилиб келинмоқда.

Йилнинг ўтган даврида давлат ва жамоат ёрдамига муҳтож бўлган 4725 та кам таъминланган оилалар аниқланиб, уларга, жумладан, фарзандларига 1059,1 млн. сўмдан ортқ моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Вояга етмаганлар саломатлигини муҳофаза қилишга доир қонунлар ижросини таъ-

минлаш борасида муайян чоралар кўриб келинмоқда.

Ун тўрт ёшгача бўлган йи-гит-қизларни тиббий кўриқдан ўтказиш аъёнага айланган. Ушбу кўриқларда аниқланган турли хасталиқларни ўз вақтида бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда. Вояга етмаганларнинг 7603 нафарига ногиронлик белгиланган бўлиб, уларни ижтимоий реабилитация қилиш ва таълим-тарбия беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ногирон болаларга нафақа тайинлаш ҳам қонунда белгиланган тартибда амалга оширилмоқда.

Вилоят прокуратураси томонидан ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 45 та бўш иш ўринлар меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, мазкур ярмаркаларга 7614 нафар ёшлар жалб этилди. Уларнинг 3452 нафари доимий ишга жойлашиш учун йўлланмани кўлга киритдилар. 4162 нафар иштирокчи эса ҳўкуқий маслаҳатлар берилди.

"Бола бошидан" дейди халқимиз. Прокуратура идоралари томонидан шу ақидага амал қилган ҳўлда ёш авлод маънавиятини шакллантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. "Аждодлар қаҳрамонлиги — ёшларга ибрат", "Ватаним тақдирим — менинг тақдирим", "Муқаддас аёл", "Жаннат оналар оёғи остидадир" каби маънавий-маърифий тадбирлар, кўлаб спорт мусобақалари шулар жумласидандир.

Истиклол йилларида кўлаб

таълим-тарбия масканлари янгидан барпо этилиб, уларда ўқувчи ёшларнинг намунали билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бундан элдошларимиз мамнун. Аммо прокуратура идоралари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида янги қўрилаётган таълим муассасалари учун ажратилган бюджет маблағларининг ишлатилиши ва таълим тизимига йўналтирилган иш ҳақларининг ҳисобланишида қатор қонунбузарликлар ҳам аниқланди.

Жумладан, Урганч автомобиль ва йўллар касб-хўнар коллежи қўрилишида 18,9 млн. сўмлик бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди ва тергов давомида давлатга етказилган зарар бартараф қилиниб, тегишли шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун жиноят иши судга юборилди.

Шунингдек, айрим касб-хўнар коллежларида битирувчиларнинг ишга жойлашиш масаласига бепарволик билан қараш ҳўллари, ишга жойлашмаган битирувчиларнинг ишга кирганили ҳақидаги маълумотларни қўйиб ёзганликлари аниқланиб, бу ҳолатларни бартараф қилиш чоралари кўрилди.

Мақсадимиз, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларига эга бўлишларига қўмаклашиш экан, келгусида ҳам бу борадаги назорат қучайтириб борилади.

Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ
сўхбатлашди

Хоразм вилояти



Хоразм вилояти 1924 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳудуди 6,05 минг кв.км. Аҳолиси 1 миллион 592 минг нафарни ташкил қилади.

Вилоят 3 шаҳар, 10 туман, 7 та шаҳар типидagi посёлкалар, 101 та ҚФЙ ва 612 та кишлоқ аҳоли пунктларини ўзида жамлайди.

Вилоят бўйича 34403 та (2011 йил 1 май ҳолатида) тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. 11 та касалхона хизмат кўрсатиб келмоқда. Вилоятда

3 та олий ўқув юрти, 85 та касб-хўнар коллежи, 6 академик лицей, 532 та мактаб ва 264 та мактабгача таълим муассасалари фаолият юритиб келмоқда.

Кучли ижтимоий ҳимоя

Мамакатимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга истиқлолнинг дастлабки кунларидан алоҳида эътибор қаратилганини илк қабул қилинган қонунлардан бирининг айнан ижтимоий ҳимоя билан боғлиқлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонундир.

Мамакатимизнинг бозор муносабатларига асосланган давлат ва жамият қуришга йўналтирилган беш асосий тамойиллардан бири ҳам айнан кучли ижтимоий сиёсат юритиш эканлиги бежиз эмас. Бундан қўзланган асосий мақсад жамиятда тинчлик, барқарорлик ва оқилолликни таъминлаш, инсон ва унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини рўйбга чиқариш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, бу ҳуқуқларнинг самарали муҳофаза қилинишга эришишдан иборатдир.

2008 йилда "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди. Ўтган даврда қонун ижросини таъминлаш, ногиронларнинг ижтимоий муҳофазасини юқори савияга кўтариш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга хизмат қилувчи қатор ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилинди. Президентимизнинг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг асосий йўлларидан бири бу давлат томонидан тайинланадиган нафақалардир. Умуман, бундай имтиёزلарни қўллаб санаш мумкин. Албатта, юртдошларимиз ҳам бундай ғам-ҳўрликка жавобан ўз фидойиликларини, ватанпарварликларини ҳар жабҳада намоиш қилмоқдалар.

Аммо баъзи кимсалар ўз манфаатлари йўлида берилган имкониятларни суистеъмол қилишга ҳам журъат қилмоқдалар.

Ишингиз бароридан келсин

Истиқлол берган имкониятлар ҳақида ҳар қанча тўхталсақ оз. Фуқароларга таъбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, шу асосда ларомад қилиш учун яратилган шарт-шароитлар шулар жумласидандир. Ушбу имкониятлардан кенг фойдаланаётган қўллаб юртошларимиз эзгу мақсадларни рўйбга чиқармоқдалар. Бундан аввало ўзлари манфаатдор бўлиш билан бирга, давлат бюджетининг барқарорлигига ҳам салмоқли улуш қўшмоқдалар.

Бироқ нафси ҳақалак отган баъзи кимсалар фақат ўз манфаатларини ўйлаб, давлат ва халқ манфаатларига катта миқдорда зиён етказиб қолганликларини ҳам сир эмас. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валюталар оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан йилнинг ўтган даврида солиқ ва валюталар оид 109 та жиноий ва 26 та маъмурий жавобгарликка оид ишлар қўзғатилгани ҳам бунни исботлайди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан давлат бюджетига 4576,1 млн. сўмлик солиқ ва молиявий жаримлар ҳисобланиб, шундан 1686,7 млн. сўмининг ундирилишига эришилди. Ҳуқуқбузарлардан 188,3 млн. сўмлик ноқонуний муомалага қиритилган товар ва моддий бойликлар олиб қўйилди.

Департаментнинг Урганч шаҳар бўлими ходимлари томонидан шаҳар ДСИдан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган "Vest Silver" МЧЖ фаолиятини ўрганиш юзасидан ўтказилган текширишда МЧЖ раҳбари Т.Қутлимуратов 2010 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида 415792,8 минг сўмлик савдодан тушган нақд пуллари банкка топширмасдан, бошқа мақсадларга ишлатгани ҳамда мажбурий сертификатланиш лозим бўлган 174934,5 минг сўмлик товарларни мувофиқлик

Улуғбек ҚҲҲҲҲҲ,

Хазорасп туман прокурори

уддабуронлар бу ишда уларга кўмаклашишмоқда.

Хазорасп туман тиббиёт бирлашмасига қарашли асаб касалликлари бўлими мудирини лавозимда фаолият кўрсатган Эгамберди Аллақулиев, даволловчи шифокор лавозимда ишлаган Самандар Аннаевлар ўндан зиёд фуқаролар номига бўлимда ётиб, даволангани ҳақида сохта касаллик тарихлари кўчирмаларини тайёрлаб берганликлари ва фуқаролар томонидан ушбу сохта кўчирмалар Хазорасп туманлараро тиббий меҳнат экспертизаси комиссиясига тақдим қилиниши натижасида Ф.Ҳасанова, С.Ҳазилова, Р.Раҳимов, Г.Қурбанов, Г.Эрназарова, Р.Машарипов, С.Юлдошева, Ў.Қутлимуратова, У.Қуръазова, Р.Раҳмоновларга ногиронлик гуруҳлари белгиланиб, уларга бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан жами 19 млн. 915 минг 736 сўм миқдорда нафақа пуллари тўланиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган.

Бундай ҳолатга туман тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимида терапевт бўлиб ишлаган Шехназар Аллаберганов ҳам йўл қўйган. Унинг "қўмағи"да олти нафар фуқарога ногиронлик белгиланиб, уларга 10 млн. 180 минг 500 сўм миқдорда нафақа пуллари нотиғри тўланган.

Умуман олганда эса, туман тиббиёт бирлашмасининг бир неча ходимлари бундай ишга қўл уришгани оқибатида жами 54 млн. 423 минг 902 сўм ногиронлик нафақа пуллари нотиғри тўланганлиги маълум бўлди. Ушбу зарарни тергов давомида ундириш чоралари қўрилиб, қонунбузарларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ижтимоий ҳимоя масаласи доимо давлат эътиборида. Биз прокуратура органлари ходимлари ушбу соҳага доир қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўла ва тўғри амалга таъбиқ этилиши юзасидан фаолиятимизни мунтазам равишда такомиллаштириб борамиз.

Бахтиёр КАСИМОВ,
СВОЖЖДЛҚ Департаментининг Хоразм
вилоят бошқармаси бошлиғи

сертификатларисиз сотиб юзориб, қонун талабларини қўпол равишда бузганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан унга нисбатан ЖЖнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Этил спирти, акциз марказис, қалбаки акциз маркази спиртли алкоголь маҳсулотларининг ноқонуний ишлаб чиқарилиши, контрабанда йўли билан олиб келиниши ҳамда муомалага қиритилиши фойш қўлиш юзасидан олиб борилган тадбирлар натижасида 4 та жиноят иши қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 8341,4 минг сўмлик маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқ ва валюталар оид жиноятларга қарши курашиш фаолияти юзасидан ўтказилган таҳлил ва тадбирлар натижасида 4 та жиноят иши қўзғатилди.

Валюта қимматликларини ноқонуний муомалага қиритиш билан боғлиқ қонунбузилишларини аниқлаш ва олдини олиш борасида ҳам жиддий иш олиб боришмоқда. Бу борада жорий йилнинг беш ойи давомида жами 26 ҳолатда ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, натижасида 9 та жиноят иши қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 34381 АҚШ доллари, 123650 Россия рубли, 114500 қозок тенгеси ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.


Яширин ишлаб чиқариш фаолиятини фойш қилиш борасида олиб борилган тезкор-таҳлилий ва қидирув ишлари натижасида 17 та ҳолатда ҳуқуқбузарликлар аниқланди.

Шу азият Ватан барчамизники. Шундай экан, унинг раванқига ҳалол меҳнатимиз билан улуш қўлиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Очилаётган имконият эшикларидан тўғри қадамлар билан одимлаб бораёлик. Ана шунда ишимиз бароридан келиши аниқ.

"Ичанқалъа"га таъриф берар экан, муҳтарам Юртбошимиз: "Бу мангуликка даҳлдор ойи-далар ўзбек халқининг наса-насабини қадимий ва мўътабар эканлигини кўз-кўз қилиб турибди", деган эми.

Тарихимиз кўзгуси

Бетақор "Ичанқалъа" ҳақида



Тағрибберган ШАРИПОВ,
Хива туман прокурори

Истиқлолнинг илк давриданок аждодларимиз узоқ асрлар давомида яратган бебаҳо маънавий ва маданий меросни асраб-авайлаш, уларни қайта тиклаш, тарихини ўрганиш, бу беназир ҳазиналар ҳақида ёш авлодга маълумотлар бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шундай ғам-ҳўрлик ва эътибордан "Ичанқалъа" музей-қўриқхонасида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда Хивани асраб-авайлаш, уни авлодларга бутунча етказиш борасида қатор изланишлар олиб боришмоқда. "Ичанқалъа" музей-қўриқхонасида 160 дан зиёд ходимлар фаолият кўрсатади. Очик осмон остидаги музей таркибида 15 та доимий экспозиция мавжуд бўлиб, уларда энг қадимги ёдгорликлардан то хозирги кунгача бўлган бой тарихни акс эттирувчи эллик мингдан зиёд экспонат тўпланган. Музей-қўриқхона қадимийлиги, тарихий-меъморий обидалари, экспонатларга бойлиги билан жаҳоннинг энг машҳур музейлари билан бир қаторда туради. Даргоҳда олиб борилаётган тадқиқотлар асосида ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий мероси кенг жамоатчиликка намоиш қилинмоқда. Айниқса, ёш авлодга тарихга, буюк аждодларимизга, аждодлар меросига юксак ҳурмат ва эътиром руҳида тарбиялашда бу ерда олиб борилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Музей-қўриқхона мактаб, лицей, коллежлар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйган ҳолда қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда. Таълим муассасаларида ўқитилаётган "Ўзбекистон тарихи", "Маънавият асослари", "Миллий ғоя: асосий тушуна ва тамойиллар" фанлари, шунингдек, Хоразм тарихига оид мавзулар музей-қўриқхонада очик дарслар шаклида ўтказилиши аънаънага айланган.

Шу билан бир қаторда, "Ичанқалъа" музей-қўриқхонаси илмий ходимлари тарихий-меъморий обидаларнинг ҳолатини назорат қилиш ва сақлаш бўйича Хоразм Маъмури Академияси олимлари билан биргаликда, тарихий меъморий обидаларнинг эпиграфик дурдоналарини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича "Фонд Форум" мутахассислари билан ҳамкорликда, Хива хонлиги давридаги васикаларни, қозихатларни ўрганиш юзасидан Япониянинг Киото университети олимлари билан биргаликда илмий ишлар олиб боришмоқда.

Йилнинг ўтган даврида дунёнинг қарийб олти миш давлатидан 15 мингга яқин сайёҳлар таъриф буюрди. Сайёҳлар сонини йилдан-йилга ошиб боришмоқда.

Ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳам "Ичанқалъа"ни кўз қорачигидай асрашни шарафли вазифалардан деб ҳисоблайдилар. Экспонатларнинг қонуний асосларда асралишини таъминлаш, сайёҳларга юқори даражали хизматлар кўрсатилишини назорат қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Музей-қўриқхонада Ўзбекистон Республикасининг "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги ҳамда "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунлар талабларига риоя этилиши аҳоли мутахассислар жалб қилинган ҳолда ўрганилди. Музей-қўриқхона ҳудудида 53 та маданий мерос объектилари жойлашган. Қўриқхона маъмурияти томонидан уларни муҳофаза қилиш ва фойдаланишни амалга ошириш чоралари қўриб келинмоқда. Бу жараёнда қонунларга тўла риоя қилинаётганлиги қўзғатилди.

Қўриқхона маъмурияти томонидан "Ичанқалъа" ҳудудида жойлашган яқка тартибдаги ҳусусий уй-жойларнинг фасадларини эски услубда сақлашни таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот, тушултириш ишлари олиб борилиб, ноқонуний девор ва "акфа" ромларини ўрнатган, ҳусусий иморат фасадини замонвий безаган 4 та фуқарога нисбатан жазо чоралари қўллаш ҳақидаги даъво аризалари суд томонидан қаноатлантирилиб, ижрога қаратилган. Шунингдек, қонун талаблари асосида 2010 йилда 11 та фуқарога қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида оғохлантириш хати берилган.

Республикамиз Президентини ва ҳукумати, халқимизнинг бугунгидай эътибори тўғрисида Хива асрлар давомида ўз тароватини сақлаб қолиши аниқ. Эртақлардаги мўъжизага қиёс шаҳри азиям халқ яна минглаб қалбларга ҳайрат бағишлайди, эзгу ишларга илҳом беради, ўзлини англашга, аждодларга муносиб эътиром кўрсатишга ва муносиб ворис бўлишга даъват этаверади.

Фаолият самарадорлиги

/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Яна бир жихат шундаки, текширишларнинг асосий қисми сифатсиз, тўлиқ маълумотларга эга бўлмасдан ўтказилаётганлиги оқибатида самарасиз аяқланган. Аксарият текширишларда фақат майда ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, жиддий қонуностилишларни фош этиш чоралари қўрилмаган. Масалан, 2010 йил ва жорий йилнинг 1-чора-гида ҳудудий бўлимлар ўтказган 9216 та текширишнинг фақат 525 таси ёки 6 фоизиди жиноят аниқланган бўлса, Бош бошқарма томонидан бирорта ҳам жиноят иши қўзғатилмаган. Бу борадаги ишлар Навоий, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида қониксиз ахволда.

Жорий йилнинг 1-чора-гидида ушбу ҳудудларда атиги 2 тадан жиноят фош этилган, ҳолос. Ваҳоланки, бу даврда фақат прокуратура ва Департамент органлари томонидан республикадаги деҳқон бозорларида ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида ўзгача мулкни ўзлаштириш, солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, ноқонуний тадбиркорлик, савдо қоидаларини бузиш, мансабни суистеъмол қилиш, мансабга совуққонлик билан қараш ва ҳужжатларни сохталаштириш билан боғлиқ жами 51 та жиноят аниқланиб, тегишли чоралар қўрилган. Мисол учун, Тошкент шаҳридаги "Эски жува деҳқон бозори" мансабдор шахслари бозор дислокациясида қўрсатилмаган 2000 м² майдонда 2010 йилнинг майдан ноқонуний равишда қуққ мевалар улгуржи савдосини ташкил этиб, патта тўловидан йирилган 17 млн. сўмни ўзлаштирганиликларини ҳолати 2011 йил 1 мартда Департаментнинг Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан аниқланиб, жиноят иши қўзғатилган ва ҳозирда иш судда қўрилмоқда.

Бундан ташқари, Бош бошқарманинг қуйи тизимлари томонидан ариза ва шикоятлар-

ни қўриб чиқишда "Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонун талаблари қўпол равишда бузилишига ҳам йўл қўйилган. Хусусан, К.Шерматовнинг 2010 йил 24 апрелдаги, М.Муродовнинг 2010 йил 19 августдаги муносабатлари Жиззах вилоят бўлими, фуқаро Б.Қаҳрамоновнинг 2010 йил 2 августдаги муносабати Қашқадарё вилоят бўлими томонидан 2 ойдан ортиқ муддатда қўриб чиқилган бўлса, М.Турсуновнинг 2010 йил 7 июндаги ва М.Баҳодировнинг 2010 йил 8 августдаги муносабатлари Жиззах вилоят бўлими томонидан умуман қўриб чиқилмаганлигини эса қандай изохлашни ҳам билмайди киши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги қарориди солиқлар йиғимини қўйиштириш чора-тадбирларини амалга ошириш, маълумотларнинг ягона компьютер базасини юритиш Давлат солиқ қўмитасининг асосий вазифалари ва функцияларидан бири этиб қатъий белгиланган бўлса-да, бир йилдан ортиқ вақт мобайнида қарор ижросини лозим даражада таъминлаш чоралари қўрилмасдан, айрим ҳудудий бўлимларда тегишли маълумотларни тўлаш бўйича электрон база яратиш борасида ишлар тўлиқ аяқунига етказилмаганлиги аниқланди. Жумладан, Жиззах вилоят бўлимида бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидида тадбиркорлик субъектларининг сони ва фаолият турлари, уларнинг даромадлари, товар айланиши, шунингдек, ушбу субъектлар томонидан тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича, Қорақалпоғистон Республикасида эса тадбиркорлик субъектлари фаолиятида аниқланган қонунбузилишлар бўйича маълумотларнинг электрон базаси яратилмаган. Электрон база яратилган Хоразм вилоят бўлимида эса бир мартали йиғимлар, ижара ҳақи ва бошқа тўловлар тўғрисидаги маълумотлар базасига тўлиқ киритилмаган.

Бош бошқарма ва унинг

ҳудудий бўлимларида қонунбузилишларини текширишнинг замонавий, тезкор, илмий-техник воситалари ва усуллари жорий этиш, шунингдек, тарғибот тадбирларини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам талабга жавоб бермаслиги аниқланди. Бу даврда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Жиззах, Сирдарё вилоят бўлимлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ўртасида тарғибот тадбирларига ва оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларга умуман эътибор берилмаган. Шу билан бирга, бирорта ҳудудий бўлимида тезкор, илмий-техник воситалар тўлиқ жорий этилмаган.

Шунингдек, аксарият ҳудудий бўлимларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартафариқ этиш юзасидан вақолати идораларга тақдимнома киритиш амалиёти етарли даражада йўлга қўйилмаган. Бунга Қорақалпоғистон Республикасини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Таҳлилларда баъзи ҳудудий бўлимлар томонидан аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича тўпланган ҳужжатлар МЖТКнинг тегишли моддалари билан малакаланмаган бўлса, айримлари нотўғри малакаланиб, судга юборилган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Чунончи, 2010 йилда Андижонда 15 та, Сурхондарёда 8 та, Фарғона ва Навоийда 1 тадан маъмурий ҳуқуқбузарликлар нотўғри малакаланган бўлса, Қашқадарёда 9 та, Самарқандда 2 та ҳолат юзасидан расмийлаштирилган баёномаларда ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатлари МЖТКнинг тегишли моддалари билан мутлақо малакаланмасдан судга юборилган.

Бунга ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб, МЖТКнинг 176-моддаси 2-қисмида қўрсатилган ҳуқуқбузарлиқни содир этган 3.Абдурахмоновнинг ҳаракати Самарқанд вилоят бўлими томонидан мутлақо малакаланмасдан ёки МЖТКнинг 176-моддаси 3-қисмида назарда тутилган

ҳуқуқбузарлиқни содир этган Д.Нарзуллаевнинг ҳаракати Қашқадарёда МЖТКнинг 176-моддаси 2-қисми билан нотўғри малакаланиб, ҳужжатлар судга тақдим этилганлиги мисол бўла олади.

Шу билан бирга, ҳудудий бўлимлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этмаган шахсларга нисбатан асоссиз маъмурий тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилган ҳолатлар ҳам аниқланди. Жиззах, Қашқадарё ва Хоразм вилоят бўлимлари шундай ҳудудлар сирасига қиради. Биргина Жиззах шаҳридаги "Қўқ деҳқон бозори"да ўз уйида етиштирган лимон маҳсулотини сотган И.Бадаловга нисбатан Жиззах вилоят бўлими томонидан МЖТКнинг 176-моддаси 2-қисми билан ноқонуний расмийлаштирилган маъмурий иш шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, айрим ҳудудий бўлимлар томонидан шошма-шошарлик билан асоссиз жиноят ишлари қўзғатилган ҳолатлар мавжуд эканлиги аниқланди. Хусусан, Тошкент шаҳар ҳамда Фарғона вилоят бўлими томонидан жами 4 та жиноят иши асоссиз қўзғатилганлиги боис, прокурорлар томонидан бекор қилиниб, 1 таси бўйича ЖПКнинг 83-моддаси 2-банди билан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилинган. Чунончи, DVD диск савдоси билан шугулланиб, амалда жиноят содир этмаган фуқаро Г.Нарзиқулловга нисбатан Тошкент шаҳар бўлими томонидан 2011 йил 22 февралда ЖКнинг 130-моддаси билан ноқонуний қўзғатилган жиноят иши шаҳар прокуратураси томонидан бекор қилинди.

Ўрганилган даврда турли йўллар билан 10 та жиноят ҳисобдан яширилганлиги аниқланиб, марказлашган ҳисобга қўйилиши таъминланди. Ҳисобга қўйилган жиноятларнинг 6 таси маъмурий тартибда иш юритиш, 2 таси жиноят иши қўзғатишни ноқонуний рад этиш, 2 таси қарор қабул қилмаслик орқали яши-

Эркин УСМАНОВ,
Бош прокуратура бўлими
бошлиғи ўринбосари

риб келинганлиги маълум бўлди. Масалан, Қўқон шаҳар "Марказий деҳқон бозори"да 10,5 литр спиртни муомалага қиритган фуқаро У.Турсунбоевда 49 дона қалбаки акциз маркалар мавжудлиги аниқланганлиги ҳолати бўйича унга ЖКнинг 176-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилмасдан, МЖТКнинг 1861-моддаси билан баённома расмийлаштирилиб, судга юборилган ва судда шу модда билан ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо қўлланилган. Фарғона вилоят прокуратурасининг протестига асосан суд қарори бекор қилинган ва У.Турсунбоевга нисбатан ЖКнинг 176-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Таҳлилларда жиноятларни ҳисобдан яшириш ҳолатларининг аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар, Хоразм, Тошкент, Сирдарё, Наманган, Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоят бўлимлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Аниқланган барча ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдимнома киритилиб, қонунбузилишига йўл қўйган 219 нафар солиқ хизмати органи ҳодими тегишли жазога тортилди. Шундан 204 нафар Бош бошқарманинг ҳодимларига нисбатан интизомий жазо тайинланди, 15 нафари эса эғлалат турган лавозимидан озод этилди.

Ўқоридилардан келиб чиқиб, бундай қонунбузилишларнинг келгусида содир этилишининг олдини олиш мақсадида идоравий назорат ва ҳодимларга ҳисобат талабчанлиқни қучайтириб, ҳисобдор шахсларнинг олиб бораётган ишлари юзасидан доимий назорат ўрнатилиши ҳамда ҳисоботларни текширишда барча талабларга эътибор қаратилиши лозим.

Фаровон турмуш омиллари билан бир

Бугун республикада ишлаб чиқарилаётган рақобатбардор, сифатли маҳсулотлар, қўрсатилаётган хизматлар ва давлат бюджетига тўланаётган солиқларнинг асосий қисми кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг муҳими, аҳоли турмуш даражасининг оқсалиши, тўқин-сочинлик, қолаверса, мамлакатимизнинг қуч-қудрати кўп жihatдан мазкур соҳанинг тараққиётлигига боғлиқ. Бинобарин Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Фарғона вилоят бошқармаси томонидан ҳам кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қучайтирилган. Яъни Департамент органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳусусиятидан келиб чиқиб, ушбу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга асосий эътиборни қаратган. Шу мақсадда тадбиркорлик субъектларига турли бюрократик тўсиқлар қўйиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашуш каби суистеъмолчиликларга йўл қўйган маҳаллий ҳокимликлар, давлат бошқаруш органлари, солиқ,

банк ва бошқа идоралар мансабдорларини фош этишга қаратилган тадбирлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Олиб борилган сай-ҳаракатлар самараси ўлароқ йилнинг ўтган даври мобайнида 14 та ҳолатда 23 та тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тўсиқлик қилиш, ҳуқуқларини поймол этиш билан боғлиқ 14 та жиноят иши қўзғатилди. Масалан, Қўштепа туманидаги "Исмоил Соҳиб" фермер тўжалиги раҳбари Соҳиб Исмоилов ариза билан муносабат қилиб, ҳўжалик туман ҳокимининг тегишли қарори билан тугатилганлигини, Учкўприк туманида яшовчи Аҳрор исмли шахс фермер ҳўжаллигини қайта тиклаш тўғрисида қарор чиқартириб бериш эвазига 5000 АҚШ доллари сўраб, 2000 АҚШ доллари олганлиги, яна 3000 АҚШ доллари беришини айтганлигини маълум қилган. Шундан сўнг Департамент ва Иллий хавфсизлик хизматининг Фарғона вилоят бошқармалари ҳодимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда Учкўприк тумани Буйрак қишлоғида яшовчи фуқаро Аҳроржон Абдуманнов Фарғона шаҳрининг Ал-Фарғоний қўчасида ўзининг бошқарувидаги "Ласетти" русумли 15 S 1155 давлат бел-

Аҳроржон ЖўРАХОНОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи

ғили автомашинасида С.Исмоиловдан 3000 АҚШ долларини олган вақтида ушланган. Бундан ташқари, унинг автомашинасидан топилган 7000 АҚШ доллари ва 142 минг сўм пул ашёвий далил сифатида олинган. Мазкур ҳолат юзасидан А.Абдуманновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатилди.

Маълумки, молиявий қўллаб-қувватлаш тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришнинг энг муҳим омилдир. Шунинг учун бошқарма-миз ҳодимлари тадбиркорлар томонидан топирилган пул маблағларини қирим қилмаслик ҳамда уларнинг нақд пул талабини қондирмаслик каби ҳуқуқбузарликларни аниқлаш бўйича ҳам кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Аммо баъзан "мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тасовилга эид иш тутаётган банкирлар ҳам кўзга ташланиб қоляпти.

Бундай тадбиркор йўлига ров бўлиш ҳолатлари "Қўқон кино-видео" МЧЖ,

ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Марғилон филиали мансабдорлари, Бувайда туман электр тармоқлари қорхонаси масъул ҳодими томонидан ҳам содир этилганлиги аниқланиб, ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Айни пайтда вилотимизнинг турли ҳудудларида ҳокимият, прокуратура, адлия, солиқ, банк ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорлар учун очик мулоқотларни ташкил қилляпмиз. Бундай тадбирлар тадбиркорларнинг ҳуқуқларини янада кенгрок ҳимоялаш ва муаммоларига барҳам беришда жуда кўп келмоқда. Ана шундай тадбирларнинг энг эътиборлиси, жорий йилнинг апрель ойида Қўқон шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтди. Унда 100 нафарга яқин кичик ва ҳусусий бизнес вакиллари иштирок этишди. Уларга ҳозирги кунда давлат томонидан кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ олиб борилаётган илохотларнинг мазмун-моҳияти очик мулоқот тарафидида тушунирилди. Бундан ташқари, бошқарма-мизда "Ишонч телефони" ҳам ўрнатилган бўлиб, у орқали қилинган муносабатлар ўз вақтида хал этилмоқда.

/Давоми 11-бетда/

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг тараққиёт истиқболлари

[Давоми. Бошланиш 3-бетда]

Тўртинчидан, мазкур ҳужжатда мамлакатда Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқиш фикри баён этилган. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиш устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак. Шу боис ҳам прокуратуранинг инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги ваколатлари давтаввал ана шу дастурий тавсиялар замирида тақомиллаштирилиши ҳоли. Бунда фундаментал ҳуқуқий база сифатида Юртбошимизнинг прокуратура "...биринчи навбатда фуқаролар манфаатини, жумладан, уларни давлат таъзиқидан ҳам ҳимоя қиладиган орган бўлиши керак" ¹лиги ҳақидаги кўрсатмаларига таяниш мақсадга мувофиқ бўлади. Асосийси, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциясини давлат миқёсида ҳуқуқни муҳофаза этиш механизмнинг етакчи бўлини эканлигини эътибордан қочирмасликдир.

Бешинчидан, Концепцияда бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеаликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳам тақдиф этилган. Президентимизнинг таъбирича, ушбу дастурни амалга ошириш орқали аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди. Мазкур дастур прокуратура органлари учун дастурий-амал ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Зеро, Президентимиз томонидан прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш ² эканлиги беҳиз белгилаб берилмаган. Қолаверса, "прокуратура ҳодимларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари сифатида тегишли ҳудудда қонунийликнинг ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш даражаси белгиланди" ³.

Мухтасар қилиб айтганда, Концепция моҳиятидан прокуратура органлари ҳуқуқий макомининг тақомиллашуви муқаррар эканлиги, аммо бу йўналишдаги ҳар қандай ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиши ва энг асосийси, улар бу идорани демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти моҳиятига мос органга айлантириш манфаатларига хизмат қилиши зарурлиги ҳақидаги ҳулосалар келиб чиқади.

Бинобарин, мамлакатимиз раҳбарининг "Жамиятни янгиланишнинг инқилобий усулларига биз мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий-эволюцион ислохотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз" ⁴, деган мулоҳазалари прокуратура органларини ислох қилиш жараёнига ҳам тўлиқ дахлдордир.

¹Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Т. 16. - Т.: "Ўзбекистон", 2008. - Б. 36.

²Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. - Т.: "Ўзбекистон", 2002. - Б. 45.

³Қодиров Р.Х. Инсон манфаатлари йўлида // Ҳафсиз, 2007 йил 21 декабрь.

⁴Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қандай қарам бўлмайдиган. Т. 13. - Т.: "Ўзбекистон", 2005. - Б. 143.

⁵Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. - Т.: "Ўзбекистон", 2002. - Б. 51.

⁶Қодиров Р.Х. Алолат ва қонунийлик йўлида. // Қонун ҳимоясида, 2003. - 7. Б. 3.

⁷Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурашимиз. Т. 7. - Т.: "Ўзбекистон", 1999. - Б. 379.

Жиноят процессида ўзаро тортишув принципи

уни янада кучайтиришга оид қонунчиликни тақомиллаштириш долзарб вазифа

Мустақиллигимизнинг ўтган қарийб йигирма йиллик қисқа тарихий даврида, айниқса сўнгги йилларда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамият барпо этишдаги ролини кучайтириш ҳамда жиноят процессида ўзаро тортишув принципини янада самарали таъминлашга қаратилган муҳим ишлар амалга оширилди.

Аввало, 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд алоҳида ҳокимият эканлиги, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралаштишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралаштиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши қатъий белгилаб қўйилди.

Мазкур конституциявий нормаларни изчил амалга ошириш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари тўла қайтадан тайёрланиб, миллий анъаналаримиз, илгор демократик давлатларнинг тажрибаси ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар талабларига мос "Судлар тўғрисида" ¹ги, "Прокуратура тўғрисида" ²ги, "Адвокатура тўғрисида" ³ги қонунлар ҳамда Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар қабул қилинди. Уларда айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби умумэтироф этилган принциплар белгилаб қўйилди.

Судларнинг жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонунан мустаҳкамлаб қўйилди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилди ва кассация инстанцияси ислох қилинди. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш прокуратура органларидан судларга ўтказилди. Амнистия актини қўллаш тўлалигича судлар ваколатига берилди. Шунингдек, судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан сезиларли даражада халос қилиш ва бутун диққат-эътиборини ўзларининг асосий бурчи бўлмиш одил судловни амалга ошириш учун имконият яратишга қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилди.

Жиноят процессида ўзаро тортишув принципини таъминлашга қаратилган кенг қўламли изчил чора-тадбирлар натижасида суд процессида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди. Хусусан, ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатлини эркинлигига бўлган ҳуқуқни амалда екланган пайтдан бошлаб рухсат этилиши белгилаб қўйилди. Ҳимоячига Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш ваколати берилди.

Айни пайтда суд мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судлов

тамоийларини ривожлантириш ва энг муҳими, жиноят процессида ўзаро тортишув принципини самарали қўллашни кенгайтиришга қаратилган ислохотларнинг бугунги босқичи талабларидан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш тақдиф этилди.

Чунки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексидики давлат айбловчиси, яъни прокурорнинг суд терговидики айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган.

Қолаверса, Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасида суд терговидики айблов ҳулосасини ўқиб эшиттиришдан бошланади, деган умумий ва мавҳум норма белгиланганлиги боис, бугунги кунда айблов ҳулосасини кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттириш каби номувофиқ амалиёт шаклланиб келди. Бу эса суднинг вазифа ва мақсадларига мутлақо мос келмайдиган жиноят процессида ўзаро тортишув принципини амалга оширишга тўсқинлик қилади. Зеро, ўзаро тортишув принципига кўра, суд айблов ёки ҳимоя тарафиди турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини фойдаланмайди.

Ваҳоланки, судлар Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддаси талабларига, яъни ишлар суд мажлисида тарафларнинг ўзаро тортишув принципи асосида қўрилиши шартлиги ҳақидаги қондаги сўзсиз амал қилинишини таъминлашлари керак.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган биринчи инстанция судида иш бўйича айблов ҳулосасини фақат прокурор томонидан ўқиб эшиттириш лозимлиги ҳақидаги тақдиф ҳам айнан суд процессида тортишувни янада кучайтиришга қаратилгандир. Зеро, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ўзаро тортишув, баҳс ва мунозаралар ишни қўришда ҳақиқатни аниқлаш, пировардида инсон тақдирини юзасидан адолатли қарор қабул қилишнинг етакчи омилларидан бири ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексидики белгиланган нормаларга мувофиқ, айблов ҳулосаси терговчи томонидан тузилади ва имзоланади. Терговчи айблов ҳулосасини имзолаганидан кейин жиноят ишини дарҳол прокурорга юборади. Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни

Нодир МУХТОРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

амалга ошириб, ўз ваколати доирасида айблов ҳулосасини тасдиқлайди ва ишни судга юборади.

Бу ўринда, табиий савол туғилади: нима сабабдан терговчи томонидан тузилган ва прокурор томонидан тасдиқланган айблов ҳулосасини суд тергов вақтида прокурорнинг ўзи бевосита иштирок этиб турган ҳолатда судья томонидан ўқиб эшиттирилиши керак? Шунинг учун ҳам прокурор томонидан тасдиқланган ва унинг нуктаи назарини ўзида ифода этган айблов ҳулосаси фақат прокурор томонидан ўқиб эшиттирилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, амалиётда ўзаро тортишув суд мажлисида прокурор ва ҳимоячининг узлуксиз иштироки таъминланган ҳолдагина тўла рўбга чиқади. Шу боис судлардан ўз фаолиятларида мазкур вазифага жиҳдий эътибор қаратишлари лозим бўлади.

Шу ўринда хорижий давлатлар жиноят процессуал қонунчилигини кузатадиган бўлсак, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 273-моддаси ҳамда Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 324-моддасига мувофиқ, суд терговидики давлат айбловчиси томонидан айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш билан бошланади. Германия қонунчилигида кўра, суд терговидики судланувчининг тергов қилишдан бошлангани боис айблов ҳулосаси суд томонидан ўқиб эшиттирилиши мустаҳкамланган. Украина Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 297-моддаси ҳамда Озарбайжон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 324-моддасида айблов ҳулосаси прокурор (давлат айбловчиси) томонидан эълон қилиниши ва айблов ҳулосасининг резолюция қисми прокурор томонидан ўқиб эшиттирилиши билан бошланиши белгиланган.

Шу маънода жиноят-процессуал қонунчилигида айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норманинг белгиланиши:

биринчидан, Конституция ва қонунларда белгиланган суднинг мустақиллигини, ишни қўришда ҳолислиги ва адолатли қарор қабул қилиниши, пировардида одил судлов таъминлашини янада ривожланишини;

иккинчидан, жиноят процессида муҳим аҳамиятга эга ўзаро тортишув принципини амалда, яъни суд тергов вақтида тортишув айна айблов томонда турувчи прокурор билан ҳимоя томонда турувчи адвокат ўртасида бошланишини;

учинчидан, Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасида белгиланган судда қўрилаётганда айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-бирини алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас, деган қондидан тўлиқ рўбга чиқишини таъминлайди.

Халқ ва Ватан олдидаги масъулият

Инсоният пайдо бўлибди-ки, ўзининг туғилиб ўстан маконини муқаддас Ватан деб, уни кўз қорачиғидай асрашни олий мақсад деб билади. Бир маконга туғилганлар ўзларини ватандош дейишиб, ватандошига - ўз халқига хизмат қилишни Ватанга хизмат қилишдек олий бурч санашди.

Биз Ватани қандай севадими? Ватан қандай севилади ва бу қандай кўринишда намоён бўлади? Менда ва Сизда Ватанга хизмат қилишга, инсонийлик бурчимизни адо этишга қандай имкониётлар бор ва биз бу бурчни қандай адо этмоқдамиз?

Бу мавзуда гапириш ва ёзиш шу қадар масъулиятли-ки, юкнинг оғирлигидан ҳар қандай шахс ҳам бу мавзуга "панжа" уришга ботинмаган. Ватан мавзусига қўл урган ва масъулли-ни ҳис қилган, қўлба асарлар яратган шоир ва ёзувчи Улугбек Ҳамдам шундай ёзади:

"Ватан!" дебон бир сўз
айтиш-чун
йўл босдим мен қирқ йил
тинимсиз.

Қирқ йил юрдим бетаскин, беун,
Тайёрманми? Билмайман ҳануз...

Ватан инсоннинг юраги тубидаги гурури саналиб, буюк шахслар унга хизмат қилишнинг ҳаётининг мазмун деб билган. Ватан гоёси одамнинг инсон бўлишида, унинг гурури, орномусли, меҳри, бағри кенг, саховатпеша, мурд ва жасур бўлиб камол топишда жуда муҳим ҳисобланиб, қадимги афсона ва ривоятларда ҳам, илк диний қарашлар ва муқаддас Ислом динимизда ҳам Ватан, унинг муқаддаслиги, Ватанини севиш йўлдончилиги мукамал ёритиб ўтилган.

Биз туғилган ва яшаётган муқаддас Ватан — Ўзбекистон ҳақида фикр билдирилганда бу макон ва унда яшаётган халқнинг қайси жиҳатлари бошқа ҳеч қайси маконда ва халқда учрамаслиги, айнан бизнинг аждодларимиз дунё илм-фанига, маданияти ва маърифатига, муқаддас Ислом динимизнинг асл ҳолда ва кенг тарғиб этилишига улкан ҳисса қўшганлиги, ҳозирда ҳам инсоният ва жаҳият учун долзарб бўлган, энг демократик гоё ва ислохотларни илгари сураётгани, буни башариёт тан олаётганлиги ҳақида қисқача тўхталиб лозим бўлади.

Ватанимиз ҳақида сўз борганда Пайғамбаримиз Мухаммад (САВ) билан боғлиқ бир ривоятни эслаш жоиз деб ҳисоблайман. Салмони Форсийдан ривоят қилинган ҳадисда келтирилишича, бир кунги Жаброил алайҳиссалом Ҳук Мустафога дедилар: "Ё Мухаммад! Кун чирқар тарафда бир мамлакат бор-

дур, ани Хуросон дерлар. Бул мамлакатнинг уч шахрини тоғла маҳшарда ёқутлар, дурлар ила зийнатлаб аросатга олиб келгатайлар. Ул шахрларнинг тегирибасида малойиклар жавлон қилиб юрурлар. Шаҳрлар узра нури иммон ёғулиб турар эмиш". Ҳазрат пайғамбар, "Ул шахрларнинг номларини айт-гил!" дедилар. Жаброил алайҳиссалом айтдиларки, бул жаннати мавлоларнинг номи шул турур: бириси Қосими, бириси Самария, они форсчада Самарканд дерлар. Тагин бири Фохиради, форслар ани Бухоро деб юрттарлар. Расулulloҳ сўрадилар: "Нега Фохира дерлар?". Жаброил алайҳиссалом жавоб бердиларки, "Ул шахар ҳақ йўлида шахид бўлган бандаларнинг қўлгили бирла фахр этар, нури исломнинг барқарорлиги ва ҳам уламои киroomларнинг беҳадлиги бирла фахр этар, шул боис ани Фохира дерлар". Расули акрам, "илоҳо Бухоро аҳлининг дилларини тақво бирла поёк айлагил, аларни мағфиратинга ол, то қиёматгача барокотидан айрма", деб дуо қилдилар.

Ҳа бир ривоятга кўра Пайғамбаримиз саҳобаларнинг саволига қўлини Моварауннаҳр - яъни бизнинг Ватанимиз томонга узатиб, "шу томонда икки дарё ораллида бир юрт бор бўлиб, ўша юртнинг табиати жаннатга ўхшайди", - деган мазмунда жавоб берган экан.

Ватанимизнинг жаннатга қиёсланиши ҳақида яна қўллаб асарларни, таърифларни, юртимизга таъшир билдирган чет эл фуқароларининг фикрларини келтириш мумкин.

Ислом дини тарихига назар ташланса, ватанимизда туғилиб ўсган ва муқаддас қадамжоларни нур таратиб турган Имом Ал Бухорий бобомиз, ислом дунёси авлиёлари сарвари ҳисобланмиш Хўжа Аҳмад Ўсасавий ва бошқа диний-дунёвий илмлар ривожига улкан ҳисса қўшган қўллаб аждодларимиз меҳнати эвазига ислом динига эътиқод бизнинг юртимизда соф, мукамал бўлганлиги ва ўзга юртларга зиё таратиб тарқатганлигини кўраимиз.

Юқоридagi каби асосли ривоят-у, ҳақиқатлардан муқаддас юртда туғилганимиздан, азалдан буюк, қўли ва қалби очик, меҳмондўст халқимиз билан

тинч осийишта яшаётганимиздан фахрланамиз.

Жаннатмакон ватанимиздан етишиб чиққан буюк аждодларимизнинг жасорати, инсоният ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталганимизда уларнинг қай бирини таърифлашни билмай қоласиз. Бу таърифда Ватан озодлиги учун ўзининг қулоқ ва бурнини кесиб, ҳийласи билан минглаб душмани ер тишлатган Широқ ҳақида, инсоният тарихида ҳеч ким ботинмаган жасорат кўрсатган, душманга таслим бўлишдан ўзининг виллоиди муҳтарамаси, турмуш ўртоғи ва азиз фарзандларини сувга гарқ қилиб ўлдиришни афзал билган, орномус ва гурури чексиз Жаллолдин Мангуберди ҳақида, душманин қувиб солган, қудратли ва буюк давлатнинг мустаҳкам пойдеворини қуриб, ўз даврида Ватанимизни илм-фан, маданият, маърифат, савдо, тадбиркорлик, ҳарбий куч-қудрат ва барча соҳаларда дунёнинг энг таракқий этган давлатига айлантирган, бир сўз билан айтганда, дунёга ҳукмдорлик қилган буюк Соҳибқирон Амир Темури бобомиз ҳақида ёки юлдузлар султони Мирзо Улуғбек, ақл тафаккури билан Америка китисини кашф қилган Беруний, тиббиёт асосчиси Ибн Сино, математика асосчиси Ал Ҳоразмий, сўз мулкунинг султони Мир Алишер Навоий, Ҳиндистон илм-фан, маданияти ва давлатчилигидаги ўнмас из қолдирган Заҳриддин Мухаммад Бобур ҳақида ёхўд ислом дунёсида абадий нур таратиб турувчи мўстабар авлиёларимиз-у, шайхларимиз ҳақида гапирайликми? Ватанимиздан етишиб чиққан буюк зотлар ҳақида ёзадиган бўлсак, уларнинг исм-шарифларининг ўзигина бир неча китоб бўлиб кетади.

Шу ўринда мустақиллик давримизда халқимиз маънавий тарихида амалга оширилган улкан ислохотларга тўхталганимиз лозим деб биламан.

Амир Темури бобомиздан кейинги даврда ҳуно бекларнинг тахт талашиб, юртни вайрона бир ҳолга келтиргани, аввал Чор Россияси, кейин Шувролар давлатининг мустабид тузумидан сўнг ўз берган таназзулдан бизни мустақиллик олиб чиқди. Айнан ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг сиймосида Ўзбекистон мустақил, мустаҳкам ва қудратли давлатга айланди. Ватанимиз, халқимиз ўзлигини англади-уйғонди, нафақат уйғонди, балки мустаҳкам оёққа турди. Президентимиз Ўзбекистон тарихдан қудратли, ҳеч кимдан кам бўлмаган давлат эканини ҳар соҳада бутун дунёга тан

С.БЕРДИАЛИЕВ,

Чилонзор туман прокурори
ўринбосари

олдирди. Бу тарихий ва буюк тикланишни Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуфнинг: Бир тўкилиб тагин қомат

тикладик,
Елкаларга миллат юкин

юкладик.
Озод вужудларда руҳ бўлди

бино,
Бинолар ўрнида Давлат

тикладик.

деб ёзган мисралари билан ҳам таърифлаш мумкин.

Бутун юртимиз бўйлаб саёҳат қилар экансиз, минглаб фуқароларимиз ва ажнобиий сайёҳлар зиёрат қилаётган, одамларни эътилоқла қорлаётган файли ва обод, нур ва зиё таратиб турган қадамжоларни қуриб, яна ва яна шуқрона айтишдан тўхтолмайсиз. Собиқ Иттифоқ мафкураси тасвирида одамларда аждодлар мероси ва ундан руҳий қувват олиш туйғуси деярли йўқолиб кетган эди. Ҳеч ким мустақилликка эришган давлатимизда буюк алломаларимизга бу қадар ҳурмат, қадр ва эъзоз қўрсатилишини тасаввур этмаган бўлса керак. Юртбошимиз Ислом Каримов бу ҳолатга мисли қўрилмаган даражада юксак баҳо берди ҳамда ўз сўзи ва ҳаракатида аждодларимиз руҳий қувватидан узишмаслик, балки ундан қувват олишни тарғиб қилди. Бу ўринда Президентимизнинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ", "Юксак маънавият — энгилмас куч" ва бошқа асарлари яратилди.

Халқаро ташкилотлар томонидан пойтахтимиз Тошкентнинг "Ислом маданияти маркази" деб эълон қилинганлиги ҳам юртимизнинг ўтмиши ва ҳозирги кунига берилган улкан баҳодир.

Мустақилликка эришганимиздан кейинги йилларда ҳурматли Юртбошимизнинг саъий ҳаракатлари натижасида жуда қўллаб соҳаларда ўзгалар биздан ўрганса арзигудек кескин ўсишлар бўлди.

Президентимизнинг нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасида олиб бораётган сиёсати дунё ҳамжаияти томонидан юқори баҳоланган бўлса, мюлявий инқирозга қарши қурашиш ва иқтисодни ривожлантириш борасидаги ислохотлари дунё институтлари, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, қўллаб соҳаро рейтинг агентликлари

томонидан юқори баҳоланмоқда. Бу борада Ўзбекистон яратган мактаб энг ривожланган давлатларда турли қатламларда кенг мушоҳада қилиниб, ўрганилмоқда.

Бир кун тасодифан такси ҳайдовчисининг гапирётган гапи қўлогимга қалиниб қолди. У юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ва юртимиздаги тинчлик ҳақида фахр-ифтихор билан гапириб, "Мен Ўзбекистоннинг шундай Президенти борлигидан фахрланаман" деб сўзини тутганди.

Ҳар кун турли касбдаги фуқароларга хизмат қўрсатиб, мулоқотда бўлувчи такси ҳайдовчисининг фикрлаши халқимиз онги ва дунёқарашни кенгайиб, олиб борилаётган ислохотларнинг туб моҳиятига етиб, эртанги кунга ишончи ортиб бораётганлигини кўрсатар эди.

Айрим ёшларимиз ватанпарварлики душманга қарши қурашда ва лозим бўлса, кун фидо қилишда деб тасаввур этишди. Президентимиз таъминлаб берган тинч-тотув ҳаётимизда Ватанини севиш инсоннинг мақсадларида, ҳолис ниятда бажараётган барча ишларида намоён бўлади. Ватанини севиш инсон ҳар қандай вақтда ва ҳолатда унга хизмат қила олади. Жумладан, мансабдорнинг фуқарога муносабати, қозининг адолатли қарори, ишбилармон-тадбиркорнинг халқ ва Ватанга сийқидилдан хизмати, ўқитувчининг юқори савиядалиги, виждонан ва малакали таълим бериши, шоир ва ёзувчининг Ватан, эъзули, мардлик ҳақида ёзган асарлари ва уларда ҳақиқий қаҳрамон яратга олиши, спортчининг галабаси, инсон кўнглига яхшилик уруғини сепиш, ёзувларни ёмон қўриш, фуқаронинг Ватан тупроғини қадрлаши ва озода тутиши каби инсоният банд бўлган жамияти эъгу ишларда ҳис этиш мумкин.

Биз қайси соҳада ишламаллик, барчамизда буюк халқимизга, жамият ва ватанимизга сийқидилдан, қайишби хизмат қилиш имкони ва бахти мавжуд. Ҳар биримиз ўзимизга боғлиқ ҳолда фуқаролар, халқимиз турмуш тарзи ва келажакимизга асқотадиган қўллаб ишларни қилишга қодирмиз. Бунинг учун ҳар биримиз масъуллики тўлиқ англаган ва ҳис қилган ҳолда, Президентимиз айтганидек, қурашувчан бўлмоғимиз лозим. Ҳурматли Ватандошлар, барчамиз халқ ва Ватан олдида масъуллигимизни унутмайлик.

Мамлакатимизда воёга етмаганлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, энг асосийси, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Республикаимиз Президентининг: "Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, аввало, ўз фарзандлари қиёсасида, униб-ўсиб келаятган ёш авлод тинимсизла шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этилиши, унинг азалий орзу-интишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради", деган сўзлари ушбу сиёсатнинг моҳиятини очиб беради, дейиш мумкин.

Маълумки, айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг тахминан 40 фоизини воёга етмаганлар, яъни 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Мазкур кўрсаткичининг ўзгариш, бу борадаги ишлар қамровининг кенглиги ва белгиланган вазифаларнинг масъулиятдан дарак беради.

Воёга етмаганларга доир муҳим қонун ҳужжатларидан бири — 2008 йил

Келажак — ёшлар тимсолидиган

нинг январиди қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ўсиб келаятган авлодга нисбатан ғамхўрликнинг янада мустаҳкам-ланишига замин яратди.

Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир фаолиятини тартибга солувчи яна бир алоҳида ҳужжатни қабул қилиш зарурати мавжуд эди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида "Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Парламентимизда кўриб чиқилиб, маъқулланди ва 2010 йил 30 сентябрда матбуотда эълон қилиниб, қўлга кирди.

Қонун мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши воёга

етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, уларнинг назоратсизлигини профилактика қилиш, воёга етмаганнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг, мутасадди идораларнинг масъулиятини оширишга, болаларнинг девиант (яъни жамиятда эътироф этилган ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга зид бўлган) ҳуқ-қатворини эрта аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда айтиш лозимки, шахримиз аҳолисининг 31 фоизини воёга етмаганлар ташкил этади. Улар 18 та мактабгача таълим муассасаси, 13 та умумтаълим мактаби, 1 та "Меҳрибонлик уйи", 3 та касб-ҳунар коллежи, 1 та академик лицейда таълим-тарбия олишмоқда.

Воёга етмаганларни мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб этиш уларнинг ҳуқуқбузарлик қўчасига кириб қолишининг олди олинишида муҳим роль

Шерзод КУРАЛАЕВ,
Зарафшон шаҳар прокуратурасининг
иш ўрганувчи ёрданчиси

ўйнайди. Чунки бола ўқишдан кейинги бўш вақтини кўнглиги ўтказиши асосий масалалар. Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болаларни жалб қилиш борасида керакли чоратадбирлар белгиланиб, амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, айни пайтда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ҳузурида ташкил этилган тўғрақларга жалб этилган воёга етмаганлар 2285 нафарни ташкил қилади.

Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва шаҳар прокуратураси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган меҳнат ярмаркалари ёшларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлаяпти. Мазкур комиссия билан ҳамкорликда маънавий-тарбиявий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ҳайдовчининг қилмиши

Фарҳоджон НАЗАРОВ,
Фарғона шаҳар
прокурори ўринбосари

Халоллик, садоқат, ваъдага вафо қилиш халқимизнинг қадимий қадриятлари ҳисобланади. Аждодларимиз ростгўйликни, юртга, касбга садоқатни улуғлаганлар. Чунки мана шу хислатлар одамзотни юксак чўққиларга кўтарилади. Агар инсон бирор касб-ҳунарни кўнгил билан эгалласа, касбига садоқат билан хизмат қилса, у албатта, камол топади. Халқ хурматиға сазовор бўлади. Дарҳақиқат, инсоннинг танлаган касби унинг қисматиға айланади. Шундай экан, касбга ҳиёнат ўз тақдирига ҳиёнат демократия. Аммо баъзилар касб ваколатини тўғри англамай, ундан фарзали мақсадларда фойдаланишдан орланмишайди. Махмуд Ҳамидов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам касб ваколатидан зўравонлик мақсадида фойдаланиб, қисматиға ҳиёнат қилди. У Фарғона вилояти ИИБ Тиббиёт бўлими ҳайдовчиси лавозимида ишлаганини рўқча қилган ҳолда, фуқароларга қўпол муносабатда бўлиб келди.

2010 йилнинг 25 сентябрь кuni. Кечки соат тўққизларда хизматдан ташқари вақтда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, кўчага чиққан Махмуд, такси тутиш мақсадида атрофга қараган эди, дўкон ёнида турган "Жигули" автомашинасига кўзи тушди.

- Таксими?
- Йўқ, танишимни кутиб тургандим.

Шиадан Махмуднинг ичига ўтиб, турли нағмаларни бошлашга шай турган шайтон унинг жим кетишига "изн" бермади. У хизмат гувоҳона масини кўрсатиб, ҳайдовчи ва машинада бўлган йигитни мастликда гумон қилди ва шахсини тасдиқловчи ҳамда автомашинани бошқаришга рухсат берувчи ҳужжатларни сўради. Ҳайдовчи эътироз билдирмай, ҳужжатларни унинг қўлига топширди. Махмуд ҳайдовчининг ҳужжатларини олгач, ҳеч бир асоссиз, Фарғона шаҳар ИИБга экспертизадан ўтказиш учун олиб келди. Аслида бу унинг ваколатига кирмас эди. Бу ҳам етмагандй, ҳужжатларни тегишли тартибда расмийлаштиришмасдан, уларга қўпол муносабатда бўлди. Ўзинга шунчалар ишониб кетган Махмуд ҳайдовчининг шериги Валерий Гулямовга тегишли бўлган 100 минг сўм миқдоридagi пулни олиб қўйиб, очикдан-очик зўравонлик қилди.

Хар қандай ноқонуний хатти-ҳаракат жазосиз қолмайди. Суд Махмуд Ҳамидовнинг жиноий ишини кўриб чиқиб, қилмишига яраша жазосини тайинлади. Бироқ, муаммонини шу билан ҳал этиб бўлмайди. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг марказида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари турибди. Эндиликда ички ишлар органлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда Ватан ҳимояси, мамлакат тақдирини ўқун жонқувар, фидойи ҳодимларни тарбиялаб етиштириш вазифаси қўйилмоқда. Ички ишлар органлари ҳодимлари ўз зиммаларидagi хизмат вазифаларини бажариш учун берилган ваколатларини суиистеъмол қилмасликлари, аксинча, ҳар бир ҳуқуқ ва ваколат ортида халқнинг ишончи ва давлат олдидаги бурчи, қолаверса, масъулият туришини чуқур англаб етишлари керак. Бироқ, ҳамма ҳам буни тўғри англаб етасанми. Муаммо ҳам шунда.

Оққулуқ қишлоғи ҳудудидаги яйловда бир сурув қўй-қўзи ўтлаб юрardi. Акмал (айрим сабзларга кўра исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) шу жойда машинани тўхтатди. Атрофда ҳеч ким йўқ. Нима учундир сурувнинг эгаси ҳам кўринмасди. Йигитлар мамнун жимлайганча бир-бирларини турткилашиб, беҳавотир ўтлаб юрган жониворлар томон имо қилишди. Айни мuddao. Ов учун бундан қулайи бўлмайди. Сарвар билан Комил фурсатни қўлдан бериб, сурувдан 2 бош қўйни тутиб, "Нексия"нинг юкхонасига жойлашди.

Акмал машинани Хушали қишлоғи томон бурди. Йигитлар шу қишлоқлик дўстлари Самарни йўқлаб келишган эди. Унинг уйда тунаб, меҳмон бўлишди. Эртага — шанба. Йигитлар мезбонга қўйларни сотиш ниятида олиб келганликларини айтишган эди, Самар яқинда бир бош мол сотган ва шу пулга қўй олмакчи бўлиб юрганлигини билдирди. Дўстлар шу жойнинг ўзида ишни битириб, олиб келган қўйларни 550 минг сўмга пуллашди. Комил савдодан тушган пулни тенг бўлди. Хар бир "овчи"га 100 минг сўмдан теги. Қолган 50 минг сўмга машина учун ёнигли олишди.

Ҳа, машина ҳам қуруқ қолмаслиги керак-да, ахир у ҳам овда иштирок этди, хизматда бўлди. Бундай хизматдан ҳали қанчадан-қанчаси бор унинг гарданида. Акмал машинасининг у ёқ-бу ёғини кўздан кечиришаркан, ҳаёлидан ўтган гапни дўстларига ошкор этди:

— Шу жонивор бўлмаганда овимиз бунчалик бароридан келмасди.

— Нимасини айтасан, икки қўқорчини етаклаб, бирор манзилга борганимизча эгаси орқамиздан етиб келармиди, — дўстининг гапини маъқуллади Комил.

— Машина туфайли мана, чўнтагимиз қаппайди.

— Овни биз эмас, "Нексия" қилди.

— Бундай ишлар машина-сиз битмайди.

Йигитлар яна бир мuddat шу мавзуда суҳбат қуришди-да, Косон туманидаги бир дўстларига қўнғироқ қилишди:

— Самадмисан?

— Ҳа, ўзим.

— Тайёр бўлиб тур. "Нексия" овга чиқади.

Улар гапни бир жойга қўйиб, Чироқчи туманининг Эттисой қишлоғи томон йўл олишди. Шу қишлоқ ҳудудидан ўтувчи "Қарши-Самарқанд" йўли яқинида бир сурув қўй юрганни кўрган йигитлар бу сафар ҳам кўз очиб юмгунча ишни битиришди. 2 бош қўқор машина юкхонасига жо бўлди. Улар Косон туманининг Бўлмас қишлоғига етиб келганларидан кун кечга томон оға бошлаган эди. Қўйларни Самарнинг ховлисига туширишди. Уй эгаси қўқорларни дарҳол сотиб олди. Албатта, ўғирлик ҳақида бу дўстларига ҳам ҳеч нарса айтишмади.

2010 йилнинг 1 октябрида Намуна қишлоғида, орадан 3-4 кун ўтиб "Қарши-Самарқанд" йўлидаги яйловдан қўй ўғирланди. 6 октябрь кuni А.Ботиров, К.Саидов, М.Райимов, К.Холматов ва С.Акимов яна биргаликда эрталовчи соат 9:00 ларда Сўфи қишлоғидан чиқиб, "Қарши-Самарқанд" йўлининг Катта қишлоқ

Телефонига нотаниш одам қўнғироқ қилиб, у билан қўйлиқ бозорига учрашмоқчи эканлигини айтгач, Шавкат ҳамма ишларини йиғиштириб, бозорга ошқан.

Ким бўлиши мумкин? Унда нима иши бўлиши мумкин? У шундай ҳаёллар билан бозорга кириб келди. Дарҳақиқат, айтилган жойда нотаниш кимса уни кутиб турарди. Салом-алиқдан кейин нотаниш одам тожикистонлик эканлиги, исми Эшониддин бўлиб, унинг телефон рақамини Зариф исми танишдан олганлигини маълум қилди. Шавкатнинг ўзи ҳам Тожикистондан эканлиги боис, ҳамюртини учратганидан қувониб кетди. Теъдд узидан нима ёрдан кераклигини сўради. Эшониддин гапни чўзиб ўтирмади.

— Бир учрашган таниш, икки учрашган билиш дейишди. Мана, сиз билан бир марта учрашиб, таниш бўлиб олдик. Зариф сизнинг телефон рақамингизни бераётганда, хар қандай муаммо бўлса, ёрдам беришингизни айтган эди. Шунинг учун сиздан ҳеч нарсани яшириб ўтирмайман. Хуллас, гап бундай: шу бозорда "юк"имиз уч ойдан бери турибди. Шунинг йангйўл постидан олиб ўтишда ёрдам беришингиз керак. Хизматингиз учун яхшигина ҳақ оласиз.

— Қанака юк экан? Билсам бўладими?

— Оддий юк бўлганида сизни безовта қилиб ўтирмасдим. Хозиргина айтганимдек, яширмайман, юкимиз — "героин". Қўш, ёрдам берасизми?

Шавкат ниямам дерди, арзимаган иш учун яхшигина пул ваъда қилишганда "йўқ" деб бўлармиди? Шунинг учун рози эканлигини билдириб, нима қилиш кераклигини сўради.

— Бу бошқа гап, — Эшониддин унинг жавобидан хурсанд эканлигини яширмай, гап бошлади, — сиз машина топсангиз бўлди. Юкни бизнинг машинадан унга жойлаб, чегарадан ўтказиб берасиз-у, ҳақингизни оласиз...

Шавкат Эшониддин билан гапни бир жойга қўйгач, ҳайдовчи ахтар қилибди. Қўй қидиришга тўғри келмади. Эсига Ҳайтбой исми таниш ҳайдовчи тушиб, у билан учрашди. Юк борлиги-ю, унинг қанака эканлигини яшириб ўтирмай, эвазига яхшигина ҳақ тўлашни ваъда қилишганини ҳам айтиб ўтди. Ҳайтбой рози бўлгач, у Эшониддинга қўнғироқ қилиб, машина ма-

«Оқ ажал» изидан

Зикрилла РАСУЛОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим прокурори

саласини ҳал қилганини айтди.

Эртасига Эшониддин билан бозор яқинида учрашиб, унга машинани кўрсатди. Эшониддин "маъқул" ишорасини билдириб, "юк" ортилган машинани олиб келиш учун кетди-да, кўп ўтмай Ҳайтбойнинг машинаси ёнига юк машинаси келиб тўхтади. Икки нафар йигит унинг юкхонасидagi қопларни Ҳайтбойнинг машинасига орта бошлашди.

— Қопларга картошка қопланган, — изоҳ берган бўлди Эшониддин. — Картошканинг тағига "юк"ни жойлаганмиз, "страховка" учун...

У шундай деди-ю, ишнинг тугагини ҳам кутмай, қаёққадир ғойиб бўлди. Қоплар ортилгач, Шавкат Эшониддинга қўнғироқ қилиб, энди нима қилишни сўраган эди, у теъдд узининг ёнига келишни тайинлади. Аммо шу заҳоти Ҳайтбой ҳам телефон қилиб қолди. Қандайдир шубҳали ишлар бўлаётган эмиш... Шавкат ортига қайтди. У эндигина бозордаги омборхона яқинига етиб келган ҳам эди, фуқаро кийимидagi йигитлар томонидан тўхтатилди...

Қоплардаги картошканинг тағидан 90 дона турли ҳажмдаги ўрамлар топилди. Маълум бўлишча, ўрамлар "героин" ҳамда "гашиш" гиёҳвандлик воситалари бўлиб, тортиб қўрилганда, уларнинг вази 97 кг. 4820 граммни ташкил қилди.

Шундай қилиб, ўтказилган тезкор тадбирлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли, айрим кимсаларнинг чўнтагини қаппайтириш эвазига қўзлаб оилаларнинг тинчлигига путур етказиши мумкин бўлган заҳри қотилнинг "юрши"га чек қўйилди.

«Нексия» овга чиқди



худудида "ов" қилдилар.

Ўлжанинг энг каттаси Номоз Собитовнинг қўйхонасидан тушди. Бешовлон бу ховлидан 4 бош қўйни етаклаб чиқдилар. Шундай қилиб, 2010 йилнинг 24 сентябрдан 6 октябрга қадар чироқчилик йигитлар томонидан беш марта ўғирлик содир этилди.

Қисқа мuddat ичида кўп марта ўғирлик қилишга улғурган бу чакқон йигитлар ким эди ўзи? Бу ҳақда дастлабки тергов ва суд ҳужжатларида батафсил маълумотлар бор:

Судланувчи Акмал Ботиров 1990 йил 10 февралда Чироқчи туманининг Январ қишлоғида туғилган. Вақтинча ишсиз. Муқаддам судланмаган. Комил Саидов, Мурод Раимов, Карим Холматов унинг тенгдошлари. Барчаси Январ қишлоғидан. Фақат Сарвар Акимовнинг ёши каттарок, 1988 йилда таваллуд топган. Йигитларнинг ҳаммаси бекорчи.

Овлари бароридан келаётганидан қувониб юрган чироқ-

Аъзам ДўСТОВ,
Чироқчи туман прокурори
ўринбосари
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

чилик йигитлар вақти-соати етиб қўлга тушдилар. Ўша кuni улар ИИБ ҳодимлари изларига тушганидан мутлақо беҳабар ҳолда Қарши шаҳрининг кўчаларида кезиб юриш ва ижарада туриш учун жой излардилар. Албатта, уларга ўзлари ўғирлик қилиб юрган ҳудудлардан узокроқ жойдан қўналга жуда зарур эди. Ижарага ховли олинса, ўғирланган қўйларни қишлоқ-ма-қишлоқ олиб юрмасдан, тўғри ижарадаги ховлига олиб келиш, шу ерда маълум мuddat сақлаб, кейин бозорга чиқариш мумкин бўларди. Аммо уларнинг бу нияти амалга ошмади...

2011 йил 21 апрель кuni Чироқчи туман судида ўғри йигитларнинг жиноий иши кўрилди. Суд ҳайъати судла-

нувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўргазмаларини, тарафларнинг музокара нутқлари ҳамда судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, жиноят ишида мавжуд бўлган ёзма далилларни тегишлича баҳолаб, уларнинг хар бирига қонун доирасида жазо тайинлади.

Шундай қилиб, "ов" ниҳоясига етди. Суд қаршисида туриб жавоб берган йигитлар ўз қилмишларидан қаттиқ пушаймон эканликларини билдириб, бундан кейин ҳалол меҳнат қилиб яшаш ниятида эканликларини билдирдилар.

Суд жиноий иш бўйича ашъвий далил тариқасида олинган Акмал Ботировга тегишли "Нексия" автомашинасини Жиноят процессуал кодексининг 211-моддаси талабидан келиб чиқиб, жиноят қуроли деб ҳисоблади ва давлат фойдасига мусодара қилишни лозим топди.

Аслида жиноят қилиб, қўлга тушганлар устидан олиб бориладиган терговлар, савол-жавоблар ва суд жараёни хатога йўлга қўйган кишиларни тўғри йўлга бошлаш, уларга қандай яшашни ўргатиш мактаби, деса хато бўлмайди.

Судланувчилар бу жараёнда хатоларини англайдилар. Ҳақиқат, адолат, раҳм-шафқат нима эканлигини тушуниб етдилар. Зеро, бизнинг амалдаги қонунларимиз инсонга нисбатан адолатли бўлиш, хар қандай вазиятда ҳам унга меҳр-шафқат кўрсатиш ва шу асосда ҳукм чиқаришга асослангани билан улуг ва қучлидир.

Нафсига енгилган паҳлавон

Дастлаб терговда Паҳлавон Мамаев айбини инкор қилди.
"М.Тожиалиевадан ҳеч нарса тама қилмаганман. Шухрат пулни чўнтагимга билдирмасдан солиб қўйган", дея лоф урди.
Аммо гувоҳлар ва ҳолисларнинг кўрсатмаларини, ашёвий далиллари инкор этишдан ожиз қолгач, айбига инкор бўлди.
М.Тожиалиевага қарашли чинни ишлаб чиқариш сехини юқори босимли газ тармоғига қайтадан улатиш эвазига 1000 АҚШ доллари миқдорига пора талаб қилганини бўйинига олди.

Риштон туманидаги "Оха-94" хусусий фирмасини салкам ўн йил бошқарган П.Мамаев, раҳбар сифатида анчагина тажриба ортирган эди. Уни "Водийгазтаъминот" унитар корхонасига ишга таклиф қилишди. 2008 йил октябрь ойида куч-гайратга тўлиб-тошган йигит корхонанинг Риштон туман филиалида 1-тоифали муҳандис лавозимида ишга киришди. Омад қилиб боқиб, орадан икки ой ўтиб, филиал бошлиғи вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

Бир ярим йил мобайнида ишнинг паст-баландини яхшигина ўрганиб олган Паҳлавонни нафси беҳаловат қила бошлади. "Қанчадан-қанча имкониятлар бор, каллангни ишлатиб, ҳамёнингини қап-пайтир!" дея хилма-хил йўллари кўрсатиб, тинчини ўғирлади. Дастлаб Паҳлавон паст келмади. "Борига шукр", дея нафсини жиялашга бор куч-гайратини сарфлади. Лекин кўзини

ўйнатаётган жарақ-жарақ "пуллар" сўлагини оқизаверди. Ва ниҳоят, измини нафсининг қўлига топшириб қўйди. У йўл кўрсатди. "Куллар маҳалласи юқори босимли ерости газ қувурига уланган. Уздириб, хонадонларга тортилган тармоққа улатиб қўйсанг, хумдонларида газ липиллаб ёниб, чинни идишларини тоблай олишмайди. Оёғи қўйган товукдай пиритлар қолишади. Акажон-акажон, дея атрофингда парвона бўлишади. Ана шунда..."

Риштон азал-азалдан хунармандлар шаҳри. Бутун бошли маҳалла аҳли нафақат сопол, балки чинни идишлар ҳам ишлаб чиқаришади. Куллар маҳалласига ерости юқори босимли қувурдан газ тортилган. Чунончи, битта қувурдан учта хонадондаги кулчилик цехи ёниги олади. Хусусий тадбиркор Максудхон Тожиалиева 2007 йили "Чинни идишлар ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти" бўйича туман ҳокимлигида

рўйхатдан ўтиб, гувоҳнома олган. Шунингдек, унга Республика хунармандлари уюшмаси томонидан ҳам гувоҳнома топширилган. Хонадондаги хумдонларга Шерзод ва Иброҳим ака билан бирга тегишли тартибда ҳужжатларни расмийлаштириб, газ қувурини тортишган. Қарийб уч йилдан бери табиий газдан фойдаланганлари учун ойига 300-350 минг сўмдан тўлаб келишади.

2010 йил ёзида туман газ идораси ходимлари ушбу хонадонлардаги кулчилик цехларига тортилган қувурни узиб қўйишди. М.Тожиалиева қарийб бир ой ишлаб олмай, "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг Риштон туман филиали бошлиғи бўлиши Паҳлавон Мамаевга учради.

— Уйларга тортилган ерусти умумий қувурига уланиб олаверасизлар, — деди бошлик.

— Улаб беришди. Лекин босим пастлиги учун хумдонларни ишлатиб бўлмаяпти. Қайтиб, юқори босимли трубага улатиб беринг.

— Бошқатдан ҳужжатлаштириш керак. Чикими кўп...

— Майли, қанча бўлса, топиб бераман.

— "Кўки"дан минг берсангиз, улатиб қўяман.

— Бўпти, ука.

Тадбиркор кабинетидан чи-

Ш.ТУРДАЛИЕВ,

Фаргона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

киб кетганидан кейин Паҳлавон қўл остида ишлайдиган чакқон йигитлардан бири — Шухратжонни чақиртирди.

— Опанинг ишини тўғрилаб, 1000 доллар олинг, — деди.

"Ишни тўғрилаш" цехни қувурига қайта улаб қўйиш керак, дегани эди. Кечки пайт бошлиқнинг буйруғига биноан Шухратжон ишчилар билан М.Тожиалиеванинг уйига борди.

— Ҳозир шу қувурни улаб берсак, шерикларингиз Шерзод ва Иброҳим акалар билан бирга уч минг доллар бераркансизлар, — деди у.

— Хўп, лекин ҳозир бунча пулим йўқ. Ишломаяман-да, улайверинглар, топиб бераман.

Шухратжон пайвандчиларни ишга солиб, кулчилик цехларига тортилган тармоқни юқори босимли газ қувурига улатиб қўйди.

— Бир неча кун ичида топиб бераркан, — деди келаси кун Паҳлавонга учраб.

Шухратжон М.Тожиалиеваниги қунора катнади. Кўл телефонда гапшииб турди.

— Паҳлавон ака қўймаяпти. Топиб келтирасан, деб опа. Майли, Иброҳим ака очорроқ-

лигини биламиз, уч эмас, икки мингини беринглар...

— Қарз сўраб, учрамаган одамин қолмади. Яна бироз сабр қилиб туринг!

— Хеч бўлмаса, мингини қилиб беринг, — деди ниҳоят Шухрат телефонда.

М.Тожиалиева эрта-индин деб орта сураверди. Шухратжоннинг сўзларини тинглаб Паҳлавон Мамаев жаҳл отига минди.

— Ҳозироқ цехни газ қувурдан узиб ташланглар!

Ишчилар газ қувурини узиб қўйган кун кечки пайт М.Тожиалиева газ идорасига бориб, Шухратжонга учради. "Пулни эртага топиб бераман", — деди. Келаси кун Шухратжонга телефон қилиб, келишини сўради. У бошқа пайвандчи топиб, тармоққа уланиб олибди.

— Соат тўртгача минг доллар бўлади, — деди М.Тожиалиева.

Шухрат аёлдан 1000 долларни олиб, бошлиққа рўпара бўлди.

— Ҳали уйимга обориб беринг, — деди у эҳтиёт шарт.

Кечки пайт Шухратдан пулни олди. Шухрат кетганидан кейин қўл терлагани жингиланди. Худди шу пайт ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари пайдо бўлишди. Паҳлавон чўнтагидаги пулни ерга ташлади...

Дастлабки терговдаги каби суд қараринида П.Мамаевнинг айби тўлиқ исботланган. Нафсига енгилди, оғир жиноятни содир этган "паҳлавон"га суд ўз ҳукмини ўқиди.

Қотилга айланган меросхўр

Ёқубжон Мажидов аини навқирон ёшда. Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида таваллуд топган йигит бу йил ўттизинчи баҳорни қаршилайди. 2 ёшга тўлганда ота-онаси ажрашиб, Ёқубжон Булоқбоши туманида яшовчи бувисининг қўлида тарбияланди. Булоқбоши туманидаги Навоий номи хўжалик томонидан Жиззах вилоятининг Арнасай туманига борган ҳашарчилар орасида Ёқубжон ҳам бор эди. Ёқубжон Зарбдор туманида яшовчи онаси Қимматхоннинг олдига бориб, у ерда 4 ой қолиб кетди. Оқибатда ўқишини ҳам давом эттиролмай, 4 йил давомида Булоқбоши тумани ва Жиззах вилоятлари ўртасида бориб-келиб юрганиги туфайли фуқаролик паспортини ҳам ололмади.

Энг ёмони, у 2000 йилда ўғрилиққа қўл уради. 19 ёшга тўлган бу йигит Зарбдор тумани дала майдонида турган трансформаторни ўғирлаганиги учун 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. 2001 йилда амнистия қарорига асосан Жиззахда ота-онаси билан яшай бошлади. Ўша йили уйланди. Бир ўғил ва бир қизлик бўлди. Агар у ҳалол яшаб, диёнатни унутмаганда ҳозир қамоқхонада эмас, оиласи даврасида ўтирган бўларди.

Ҳа, биз "бўларди", дедик. Бойси Ёқубжон енгилли ҳаёт кечиршига ўрганганлиги туфайли катта хатога йўл қўйди. Ҳаммаси 2009 йилнинг ёзида бўлиб ўтган оилавий гурунгда бошланди. Гап мавзуси уй-жойга — меросга бориб тақалди. Ёқубжонга уй-жой зарурилиги ҳақида қат кетди. Нима қилиш керак? Қандай қилса, тайёр ҳовлига эга бўлади?

— Ҳа, айтганча, Санобархон холанг турмушга чиқди. Биласан, унинг фарзанди йўқ. Энди ҳовлисига эри ва унинг фарзандлари эга чиқиши мумкин. Агар сен холанг ва унинг эридан қутулсанг, уй сенга қолар эди, — деди онаси.

Бу гапларни Ёқубжоннинг онаси айтганлигига ишонгингиз келмайди. Лекин бу ҳақиқат эди.

Ноябрь ойида ота-онанинг туғилган жойи Булоқбоши туманининг Найман қишлоғига меҳмон бўлиб келган Ёқубжон онасининг ўша машғум "маслаҳат"ини эслади. У ичиб олиб, хотини, онаси ва холаларининг олдида, холаси Санобархонни ўлдирса, уйи фарзанди йўқлиги учун мерос тариқасида унга қилишини айтиб қўйишди.

Келаси йил ёзда қариндошлариникига меҳмон бўлиб келган Ёқубжон яна мерос масаласини кўзга-ди. У шошилмаса ҳам бўларди. Чунки холаси вафот этса, унинг уйи мерос тариқасида онасига қолар, онаси эса унинг Ёқубжоннинг номига хатлаб бериши тайин эди.

Бироқ Ёқубжон тезроқ холасининг уйига эга бўлишни истарди. Шу мақсадда у ярим тунда Санобархоннинг уйи томон йўл олди. Ҳовлига девор ошиб

Ўтишдан олдин қора рангли енгил калта футболкасини юзига никоиб қилиб тутиб олишни унутмади. Ичкарига киргач, столдаги пичоқни қўлига олди. Холаси билан почаси ётган хонага энди кирмоқчи эди, қўлида таёқ кўтарган холаси чиқиб қолди-ю, пичоқ ушлаган Ёқубжонни қўриб, дод солганча ичкарига югурди. Унинг ортидан бостириб кирган Ёқубжон таёқни тортиб олиб, "овозингни чиқарсанг, ўлдираман" дея дўқ уриб, аввал пичоқ, кейин эса таёқ билан ҳужумга ўтди. Холаси йиқилгач, почасини қўриб қолди-ю, қўлига илгинган ўроқ билан унга ташланди. Бу ҳам етмагандай пичоқни ҳам ишга солди...

Ёқубжон нималар қилиб қўйганини фахлаганда, кеч бўлган эди. Тезда ўзини ўнглаб, қилмишларини яширишга тушди. Одамларда эр-хотин бир-бирини ўлдириб қўйгандай таассурот уйғотиш учун ўроқни почасининг қўлига тутқазиб, қочиб кетди.

Ярим тундан ошганда онаси Ходисахоннинг уйига келиб, улагани ётди. Унинг келганини ҳеч ким сезмади. Эртаси ўрнидан туриб, иш қидириб кетди. Орадан 3-4 кун ўтди. Санобархон ва унинг турмуш ўртоғи қўрнмаётганидан хавотирланган қариндошлар унинг уйига келишди-ю...

Ёқубжон дастлаб озига келган ёлгонни тўқиди. Бирок, воқеага ойдинлик киритилгач, қилмишдан пушаймон эканлигини, холасининг уйига эгалик қилиш ниятида уни қўрқитганлиги ва ниҳоят жонига қасд қилганлигини айтиб берди. Ўша пайтда маст бўлганлигини айтиб, суддан енгиллик беришларини сўради.

Биз мақолага нукта қўйишдан олдин турли фикр-мулоҳазаларга бордик. Масаланинг ҳайрон қолдирган жиҳати, Ёқубжон ишаган Жиззах вилоятидаги ва Булоқбоши туманидаги уястка ноzirлари-ю маҳалла посбонлари бирор марта унинг паспортни бори-йўқлигини суриштирмаганлар. Акс ҳолда у ўттиз ёшга кирса-да, ҳамон паспортсиз юрмаган бўларди. Энг муҳими, балки у яхши тарбия олганда қотилликка қўл урмаган бўлариди? Бу аниқ қисматдан бошқа ота-оналар, маҳалла аҳли ва уястка ноzirлари тегишли ҳулоса чиқариб оладилар, деган умиддамыз.

Бугун дунё ҳамжамияти трансмиллий жиноятларнинг олдини олиш ҳамда унга қарши ҳамкорликка курашиб келаётгани барчамизга маълум. Ана шундай жиноятлардан бири одам савдосидир. Бугун республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан мазкур жиноятнинг олдини олишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, унинг ҳали-ҳануз учраб келаётгани ачинарли ҳол, албатта.



Алдовга учманг

Фахриддин МИРЗАЕВ,
Оққўрғон туман прокуратураси терговчиси

Хусусан, фуқаро Анваржон Ҳаққулов ҳам ана шундай жиноятга бош қўйганлардан чиқиб қолди. Таниши Гулзода Азизова, тергов даврида аниқлашнинг имкони бўлмаган "Нурлайн", "Сем", "Сержан" ва бошқа номаълум шахслар билан "иш"га киришган Анваржон 2010 йил 30 март кун Оққўрғон шаҳрида яшовчи Собиржон Исмаилов, Шаҳобиддин Шайдилаев, Нодира Сарибоева, Алиберди Маматов, Мархаб Абдураззоқов ва ҳамда воёга етмаган Нодира Абдураззоқова ва Ҳайрат Исроилваларни топиб, уларнинг қўлини пуч ёнғоққа тўлғазди. Эмишқи, Қозогистон Республикасида ойига 200 минг сўмдан иш ҳақи бериладиган иш бор экан. Даладаги ишларни оддий юмуш деб билувчи фуқаролар эса унинг ёлгонларига лақа тўшишди. Ўз ишининг устаси бўлган Гулзода Азизова тезда ўз ҳисобидан ҳаражат қилиб, уларни Қозогистон Республикасига олиб ўтди ва "Нурлайн" исмли номаълум шахсга 370 минг сўмга сотиб юборди. "Нурлайн" ўз навбатида ишчиларни "Сем" ва "Сержан" исмли шахсларга 10 минг қозоқ тангасига ўтказишди. Шундай қилиб, яхшигина маош илқинида бу ерга ташриф буюрган ҳамшаҳарлар қурилиш ишлаб, дала эканлигини парваршиллашчи бошлашди. Аммо, ваъда қилинган маошдан дарак бўлмади. Ўзтироз билдиргудек бўлишса, "Биз сизларни ишлатиш мақсадида сотиб олганмиз, бизга ишлатиш учун одам топиб берасизлар", дея дўқ уриб, ҳақоратлашди. Шундан сўнг, Нодира Сарибоевани гаровга олиб қилиб, Собиржон Исмаилов ва Алиберди Маматовларни янги ишчи қучи олиб келиш учун айланма йўллар орқали Ўзбекистон Республикасига жўнатишди.

Анваржон Ҳаққулов каби баднафс кимсаларнинг ўз ватандошларини турли алдов йўллари билан республикамиздан ташқари олиб чиқиб, сотиб юборишга татбиқ нафратга лойиқ. Уларнинг қилмишини ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди. Суд Анваржон Ҳаққуловнинг юқоридagi жиноятларини батафсил қўриб чиқиб, унга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият

Инсон ҳаёти дахлсиз

дахлсиз ҳуқуқларнинг поймол этилиши эса

жавобгарликка сабаб бўлади

Л.БОЗОРОВА,

Қашқадарё вилоят

прокурорнинг катта ёрдамчиси

Инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш давлатнинг бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу мамлакатимизда амал қилаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Конституциямизда қайд этилганидек, "Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас". Шунингдек, Асосий Қонунимизнинг 26-моддасига кўра, "Жиноят содир этганликка айбланаётган ҳар бир шахннинг иши судда қонуний тартибда, ошқоҳа кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахста ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар яратиб берилди".

Халқаро ҳуқуқ нормаларида ҳам сўроқ қилинувчи ёки жиноят процесси иштирокчиларини руҳий ёки жисмоний азоб берган ҳолда тергов ҳаракатлари олиб бориш тақиқланган.

Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахннинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш шарт. Бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 17-моддасида мустаҳкамланган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 18-моддасида: "Суд ва прокурор қонунга ҳилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёҳуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамқода сақланган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиш шарт"лиги қатъий белгиланган.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уларнинг турар жойлари дахлсизлиги, ўзаро ёзишмалар, телеграф алоқалари ва телефон орқали сўзлашувларнинг сир сақланиши ҳам қонун билан қўриқланади.

Шахс эгаллаб турган турар жой ёки бошқа бино ва ҳудудда тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, қўздан кечирish, алоқа муассасаларида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва уларни олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитиб бориш фақат кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин.

Ишни юритиш жараёнида шахннинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш оқибатида унга

етказилган зарар кодексда белгиланган асослар ва тартибда ундирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-боби "Одил судловга қарши жиноятлар" деб номланади. Унинг 235-моддаси шахсларни қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга бағишланган.

Бундан кўринадики, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, жамиятнинг демократлаштириш ва эркинлаштириш устувор аҳамият касб этмоқда. Яъни, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"нинг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги "Жиноят процессида шахннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш асосан прокурорларга жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши юзасидан прокурор назоратини таъминлашда БМТнинг "Инсон қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар, қийноқ ва бошқа тазйиқларга қарши кураш борасида"ги Конвенцияси ва бу борадаги Ўзбекистон Республикасининг

амалдаги қонун ҳужжатларининг бажарилишига қатъий амал қилиш кераклиги юзасидан ва бу борада ҳар қандай қонунбузилишларга нисбатан муросасизлик муҳитни шакллантиришдек қатъий талаблар қўйилган.

Мазкур буйруқ ижроси юзасидан прокуратура органлари ҳодимлари томонидан ҳудудларга чиқиб, жойларда мавжуд ҳисоботлар, умумлаштиришлар, айрим жиноят ишлари ва улар юзасидан юритилган назорат ишларини кўриб чиқиш орқали текширишлар ўтказилмоқда. Текширишлар давомида инсон қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар, қийноқ ва бошқа тазйиқлар юзасидан аниқланган ҳолатлар бўйича жиноят ишлари кўзга тилинмоқда ва айбдорлар жазоланмоқда.

Қийноққа солиш халқаро ҳамжамият томонидан халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва нормаларини бузувчи оғир ҳуқуқбузарлик, инсонга қарши жиноят сифатида тан олинган экан, мамлакатимизда бундай жиноят содир этганлик учун жазо чораларини янада қучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, инсон ҳуқуқлари, қадр-қиммати ҳимояланган, шаъни улуғланган жамиятгина ривожланишга оз тутаети. Бундай давлат ижтимоий инқироз билан боғлиқ бўлган турли муновофиқликлардан холи бўлиб, чинакам демократик ҳуқуқий давлат сифатида шаклланади. Бизнинг мамлакатимизда эса инсоният асрлар давомида орзу қилиб келган демократик ҳуқуқ ва эркинлик амалга ошмоқда. Зотан, Президентимиз таъкидлаганларидек: "Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминлангандагина у чинакам ҳуқуқий фуқаролик жамияти бўлади. Бизнинг пировард мақсадимиз инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат".

Фаровон турмуш омилларида бири

[Давоми. Бошланиши 6-бетда]

2011 йилнинг 6 апрелида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланган "Департамент зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда профилактика-тарғибот ишларини қучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури" ижросини таъминлаш мақсадида бошқармаимизда тузилган ишчи гуруҳ томонидан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги маҳаллаларда аҳоли ҳамда тadbirkorлар ўртасида учрашувлар, бевосита мулоқотлар ташкил этилмоқда. Маҳалла оқсоқоллари ҳамда фаоллари ҳамкорлигида ҳудуддаги ночор оилалар аниқланиб, уларга касаначилик, деҳқон ҳўжалиги ва бошқа турдаги оилавий тadbirkorлик фаолияти билан шугулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилмоқда. Айни пайтгача бундай тadbirkorлар 142 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилиб, унда жами 4037 нафар фуқаролар иштирок этишди. Масалан, фуқаро Р.Қаюмов Ўзбекистон туманидаги "Азизбек Севар Нур" номли балиқчилик йўналишидаги фермер ҳўжалигини ташкил этиб,

иш юритиб келган. Аммо фаолиятини янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун молиявий кўмак етишмаган. Департаментнинг вилоят бошқармаси ва Ўзбекистон туман бўлими томонидан ўтказилган тadbirkor натижасида фермер ҳўжалигига ОАТБ "Агробанк"нинг Яйпан бўлими томонидан 10 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

Тadbirkorлик фаолиятининг ривожланиши таъминлаш нафақат тadbirkorларни ҳимоя қилиш, балки қонуний тadbirkorлик фаолиятига барҳам беришда ҳам намоён бўлади. Тумандаги пишиқ ёғиш ва турли йўл плиталари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Бузуқўрғон ганч тандири" хусусий корхонаси ҳам айни пайтгача давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда фаолият юритаётганиди. Туманда ўтказилган тadbirkorлардан сўнг унинг фаолиятига қонуний тус берилди. Пировардида корхона рўйхатидан ўтказилиб, 6 та янги иш ўрни яратилди.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун тadbirkorлик фаолиятининг ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар энг улғу, энг азиз неъматимиз бўлиши истиклолнинг мевасидир. Зеро, бу бизни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадимиз сари элтади.

Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги энг муҳим устувор вазифалар белгиланган берилди.

Ишонсизлик вотуми

Азизбек ЮЛЧИЕВ,

Бош прокуратура

бўлим прокурори

Маърузада давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этишчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш мақсадида ижро этишчи ҳокимиятни амалга оширувчи Вазирлар Маҳкамаси ҳамда унга раҳбарлик қилувчи Бош вазирнинг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлаш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган ушбу тақлифлар жорий йилнинг апрель ойида эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунда ўз аксини топди. Хусусан, Конституциямизнинг 98-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасидаги зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокама-сига Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилди.

Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми тегинича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикасида Президент Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Таъкидлаш жоизки, "вотум" тушунчаси конституциявий ҳуқуқда кенгрок маънода таърифланади. "Вотум" (лотинча "хоҳиш", "ирода") сайлов ёки вакиллик муассасасида қўлчилик овоз билан ифодаланган ёки қабул қилинган фикр ёки қарор маъносини билдиради. Вотум турли қўринишлар ва турлар билан фарқланади. Жумладан, сайлов ҳуқуқи соҳасида плорал, билвосита, мажбурий вотум каби тушунчалар учрайд. Масалан, плорал вотум айрим мамлакатларда сайловчиларнинг муайян тоифалари сайловда икки ёки ундан ортиқ овозга эга бўлишини тақозо этадиган тартиб бўлиб, ушбу ҳолда XIX асрда Европа мамлакатларида қўлланилган. Билвосита (эвентуал) вотум - пропорционал сайлов тизимида овоз бериш натижаларини аниқлаш тартиби. Бунда муайян номзод учун берилган ва сайлов квотасидан ортиб кетган овозлар аини шу партия рўйхатидаги бошқа номзодга ўтказилади. Мажбурий вотум эса айрим мамлакатларда номзодга лаёқатли барча фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига сайловда қатнашишини талаб қилувчи юридик мажбурият бўлиб, мазкур талабни бажармаган фуқароларга жарима солиниши назарда тутилган.

Парламент амалиётида вотум ҳуқумат ёки муайян бир вазирнинг сиёсий йўли, бирон-бир тadbirkor ёҳуд қонун лойиҳасининг (одатда, қўй палата томонидан) маъқуллашиши (ишонч вотуми) ёки номзодга деб топилиши (ишонсизлик вотуми)ни билдиради. Жаҳондаги кўплаб демократик мамлакатларнинг конституцияларида мазкур ҳуқуқий институт ҳуқумат ҳисобдорлиги ва жавобгарлигини таъминловчи самарали восита сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ишонч ёки ишонсизлик вотуми тўғрисидаги масалани қўйиш ташаббуси билан ҳуқуматнинг ўзи, парламент фракциялари ёки депутатлар гуруҳлари чиқиши мумкин. Хорижий мамлакатларда парламент томонидан ҳуқумат ёки унинг бошлиғига нисбатан ишонсизлик вотуми билдириш тартиби ҳамда унинг оқибатлари турлича белгиланган. Жумладан, Чехия, Руминия, Италия каби давлатларда ишонсизлик вотуми парламент палаталарининг барча аъзолари умумий сонининг тўртдан бир қисми розилиги билан амалга оширилса, Германия, Франция, Испанияда фақат қўй палата депутатларининг учдан икки қисми берган овозлар етарли ҳисобланади.

Умуман олганда, ишонсизлик вотуми ҳокимиятлар бўлиниши таъминлини мустаҳкамлашга ҳамда ҳокимият тармоқларининг ўзаро ҳамкорлиги ва умумий фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи самарали воситалардан биридир. Бу каби ҳуқуқий воситалар ва механизмлардан тобора кенгрок фойдаланилиши эса мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчиликл Маркази ҳамда Жиззах вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси **ШАРИФ РАББИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади

Қашқадарё вилоят прокуратураси ва Қарши шаҳар прокуратураси жамоалари Қарши шаҳар прокурори Баҳром Тоштемировга падари бузуқувори

Бойиқ ТОШТЕМИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоаси Жарқўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси Илҳом Абдиевга падари бузуқувори **МАМАТҚОБИЛ АБДИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади



Спорт

Кичик мундиалда қатта ҳаяжон

Ўзбекистон ўсмирлар (U-17) терма жамоаси Мексикада давом этаётган Жаҳон чемпионатида дунёнинг саккиз кучли терма жамоалари сафидан жой олди. Алексей Евстафеевнинг шогирдлари кичик мундиалдаги галабали олимларини чорак финалда тўхтатишди. Ўсмирларимиз чорак финал баҳсида Лотин америкаси вакиллари бўлини уруғвайлик тенгдошларига 2:0 ҳисобида имкониятни бой бериб, ярим финал оstonасидан қайтишди.

Евстафеевнинг шогирдлари ўтган йили Осиё чемпионатидаёқ ўзларининг нималарга қодирликларини исботлаб беришганди. Сурия ўсмирларини мағлуб этиб, ярим финалга йўл олган ёш футболчиларимиз ўзбек футбол тарихида ilk маротаба Ўзбекистон ўсмирларининг кичик мундиалда иштирок эта-

ди. АҚШ билан бўлган ўйинда Жаҳон чемпионатидаги ilk галабамиз кўлга киритилганда қанчалар қувондик. Бутун Ўзбекистон учун байрамга аризулик сабаб бўлди ўша галаба. Гурӯҳдаги сўнгги ўйинда ҳам Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мухлисларимизга бир олам қувонч улашди. Хал қилувчи паллада Европа вакиллари

мағлуб этилди. Шу тариха гуруҳ пешқадами сифатида нимчорак финалга йўл олган ёш футболчиларимиз бу йўлда Австралиянинг қаршичилигини энгиши



диган терма жамоасига айланишган эди.

Умуман олганда бу мавсум футболимиз учун омадли келмоқда. Ёдингизда бўлса, январь ойида Ўзбекистон терма жамоаси Қатар мамлакатига яшил майдонларида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, ўз тарихида биринчи марта ярим финалга йўл олган эди. Шундан кейин бир қатор футболчиларимизга Осиё ва Европадаги кучли чемпионатлардан "совчи"лар кела бошлади.

Биз учун бу мавсумнинг энг асосий мусобақаси шубҳасиз ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати эди. Барча кичик мундиални ортиқиб кутгани бор гап. Негаки кўпчилигининг Алексей Евстафеев шогирдларидан умиди катта эди. Шукрки, ўсмирларимиз бу ишончини оқлашди. Авваллари Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаларининг шунчаки иштирокининг ўзи катта гапдай туюларди. Бугун ўсмирларимиз Жаҳон чемпионатида Мексикани томоша қилиб, сайр қилгани келмаганликларини исботлашди. Гарчи биринчи учрашувни йирик ҳисобдаги мағлубият билан бошлаган бўлса-да, кейинги ўйинларда муваффақият қозониб, гуруҳ солиблигини кўлга киритиш-

керак эди. Бу қайсидир маънода акаларининг аламини (Осиё чемпионати) ярим финалида Ўзбекистон терма жамоаси Австралиядан йирик 0:6 ҳисобида мағлубиятга учраган эди) олиш учун имконият эди. Евстафеевнинг шогирдлари бу ишни аъло даражада бажаришди. Ўсмирларимиз австралиялик тенгқурлари дарвозасига жавобсиз 4 та гол уришди. Айнан шу ўйин ўзбек футбол тарихида яна бир янги саҳифа очиб берди. Ўзбекистон дунёнинг энг кучли 8 та ўсмирлар терма жамоаси сафидан ўрин олди. Чорак финал биз учун 2011 йилги Жаҳон чемпионатининг сўнгги манзили бўлди. Ярим финал чиптаси учун уруғвайлик футболчиларга қарши баҳс олиб борган вакилларимиз 2:0 ҳисобида мағлуб бўлиб, кичик мундиалдаги юришини тўхтатишди. Шунинг ўзи ҳам катта муваффақият. Умуман Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси кичик мундиалнинг каш-фётиларидан бирига айланди. Мутахассислар томонидан



ўсмирларимиз гуруҳ баҳсларини ўтказган Торреон шаҳри бизни ажайиб тарзда кўллаб-қувватлади. Бу шахар ўсмирларимиз учун иккинчи ватанга ҳам айланиб қолди. Торреонликлар жамоамизга шу қадар меҳр қўйганидан чорак финал баҳсида ҳам уларни кўллаб туриш учун Монтеррейга боришди. Бунинг учун торреонликлардан миннатдоримиз.

Хулоса қилиб айтганда, ўсмирларимиз Мексика майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, кичик мундиалда катта ҳаяжонларни тақдим этишди. Улар футболимизнинг эртаси. Демак, яқин келажақда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Жаҳон чемпионатида исталган рақибга қарши муваффақиятли тўп суришига ишонас қўлайди.

Максудали КАМБАРОВ,
«Huquq»

Касбга садоқат

Халқ фаровонлиги ва Ватан равнақи йўлида ўз меҳнатини аямаган инсонлар орамизда жуда кўп. Шундай инсонлардан бири прокуратура фахрийси Ёдгорхон Қодиржоновна кўтулғ 60 ёшни қаршиламоқда. У 32 йилдан ортиқ иш фаолияти давомида Андижон вилояти касабга уюшмаси хайъатида ҳуқуқ нозири, бош ҳуқуқ нозири, Андижон вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, Ўзбекистон транспорт прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим катта прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Меҳнат фаолияти даврида ижобий фаолият кўрсатиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшди. Камтаринлиги, фидойилиги ва хизмат бурчига садоқатлиги билан ҳамкасблари орасида хурмат қозонди.

Ёдгорхон Қодиржоновнанин қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Айни пайтда у фарзандлари ва набиралари даврасида кўтулғ 60 ёшини нишонламоқда.

Хурматли Ёдгорхон Қодиржоновна, бугунги шодиёна кунда Сизга ва оила аъзоларингизга сихат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз! Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази



Меҳр-оқибат риштаси

Б.АЛИМДЖАНОВ,
Избоскан туман прокурори

Авлоддан авлодга ўтиб келадиган оғзаки ва ёзма эсдаликларда гавдаланувчи ота-боболаримизнинг сиймоларида ўтмишимизни, тарихимизни ҳис қиламиз. Улар қолдирган бой маданий-маънавий мерос, тугилиб ўсган юрти, Ватанини боққинчилардан ҳимоя қилган жангчи-саркардаларимизнинг матонатли дилларимизни ифтихор туйғуларига тўлдирди. Боболар руҳи эзгу ишларда бизни доимо кўллаб туради. Шу билан бирга, сўнгги йилларда ажодларимизни эслаб, уларнинг номларини абадийлаштириш йўлида қатор ишлар қилинапти. Эзгу ишлар билан ўтганларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилапти.

Ажодлар хоки-пойига, марҳумлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром яна бир хайрли тadbирга асос бўлди. Яқин пайтларгача марҳумларни дафн этиш, дафн маросимларини тартибга солиш борасида бирон-бир қонун ҳужжати мавжуд эмасди. Республика Бош прокурорининг ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлисга киритилган "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Қонун маъқулланиб, 2010 йил 28 декабрь куни қўлга кирди.

Мазкур қонун амал қила бошлаш муносабати билан туман прокуратураси томонидан қабристонлар ҳолати ўрганилиб, тумандаги 57 та қабристонни тартибга келтириш ишларига киришилди. Мозорлар ҳудудидаги йўллар асфальтланиб, телефон алоқаси билан таъминланди. Хайрия қўтилари ва фуқароларни қайд этиш дафтарлари ташкил этилди. Яқкатут ҚФЙдаги 5 та қабристонга манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, ўриндиқлар ўратилди, узунлиги 75 метр бўлган айвон қуриб битказилди.

Янгизамон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 12 та мозорларда 7200 тўп манзарали дарахт кўчатлари экилди.

"Шаҳит мазор ота", "Сомсапарота" қабристонларида айвонлар қурилди. Мойғир, Яқкатут қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги мозорларда ҳам қўридаги каби ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди.

5 та боб, 22 та моддадан иборат "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Қонунда дафн этиш жойлари, вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси, марҳумнинг хоҳиш-иродасини бажарувчилар ҳақидаги қоидалар мужассам. Марҳумнинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда дафн этиш, ушбу маросим учун нафақа бериш, моддий ва бошқа ёрдам кўрсатиш кафолатларини белгилаш, дафн этиш жойларини ташлаш ва сақлаш жараёнида экология, санитария ва шахарсозлик нормалари-қоидаларига риоя қилишни таъминлаш жараёнлари тартибга солинган.

Ушбу қонун қабул қилингунча қадар маҳаллий бюджетлардан бу соҳага маблағ ажратилмаган эди. Натижада қабристонлар тевагарини ўраш, дарахт кўчатлари экиш, йўлларни асфальтлаш, чиқиндиларни ташиб кетиш каби ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Қонун қабул қилинганидан кейин қўридаги камчиликларни бартараф этишга киришилди. Айни чоғда келгусида дафн этиш жойлари учун фуқаролар томонидан ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаш, қабристонларга маданий-мемориал комплексларнинг фондларидан ерларни ноқонуний ажратиш каби ҳолатларнинг олди олинди.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV,
Gulnoza RAHIMOVA, Yussupboy GOIPOV,
Svetlana ORTIQOVA,
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqdir
qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahririyat ruxsati bilan
amalgа oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-2203. 52 556 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G.ALIMOV
Musahhir: M.QAMBAROV
Navbatchi: O. DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

